

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«БМИни ҳимоя учун ДАКга
тавсия қиламан» факультет
декани _____
доц., Т.Шарипов
«__» _____ 2018 йил**

**«Касб таълими» кафедраси
5140947-касб таълими: иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Иқтисодий билимларни шакллантиришда
замонавий педагогик технологияларни роли ва
аҳамияти (КХКлари мисолида)**

Бажарди: КТИ – 114 гуруҳ талабаси

Абдуллаева М.Б.

**Илмий раҳбар: «Касб таълими»
кафедраси ассистенти**

Насимов И.Х.

**Малакавий иш муҳокама қилинди
ва ҳимояга рухсат берилди:
кафедра мудири, п.ф.н., доцент
_____ О.Ж.Суюнов
«__» _____ 2018 йил**

Самарқанд – 2018

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-6
I–БОБ. Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларнинг назарий масалалари.....	6-30
1.1.Касб-ҳунар коллежларида иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти.....	6-16
1.2.Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш	17-30
II-Боб.КХКлари таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш амалиёти ва унинг таҳлили.....	31-50
2.1. Самарқанд иқтисодиёт коллежининг дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш тартиби ва муаммолари.....	31-40
2.2. Таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларини жорий этиш имкониятлари ва унинг тавсифи.....	41-50
III-Боб. Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларни самарали усуллари ва имкониятлари.	51-68
3.1. КХКларини таълим жараёнига “Кластер” технологияларини татбиқ этиш услубияти ва амалиёти.....	51-59
3.2. Самарқанд иқтисодиёт коллежида иқтисодий фанларни ўқитишда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили ва натижалари.....	60-64
3.3. КХКларида замонавий педагогик технологияларни жорий этишда хавфсизликни таъминлаш муаммолари.....	65-68
Хулоса.....	69-72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73-77
Иловалар.....	78-79

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Жамиятимиз модернизациялашаётган шароитда таълим – инсон фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоққа айланмоқда. Шунинг учун таълим тизимида инсон фаолияти билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал этиш зарур. Республикада таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишлар билан боғлиқ. Бу йўналиш кенг қамровли бўлиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда. Таълимда илғор педагогик технологияларни қўллаш, таълимнинг бутун жараёнини аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш ҳисобига уни индивидуаллаштиришни кўзда тутди.

Таълим жараёнини технологиялаштириш назариясининг шаклланиши узок муддатли вақт оралиғида кечди. Қатор мамлакатларда таълим технологияси ва унинг муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу жараён касб-ҳунар коллежларида тегишли йўналишдаги мутахассислик фанларини ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими (мутахассислик фанлари бўйича лаборатория ва амалий машғулотлар, иқтисодий фанларни ўргатиш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти)ни юқори методик савияда ўтиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширилаётганлиги натижасида, республикамиз таълим тизимида туб ислохотлар содир бўлиб, у ривожланган мамлакатлар таълим тизими билан уйғунлашиб бормоқда. Бу жараёнда тайёрланаётган кадрларнинг касбий мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Талабалар иқтисодий тафаккурининг мазмун-моҳияти, уларнинг амал қилиш қонун ва қонуниятларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишда энг аввало иқтисодчи- педагогнинг маҳоратига боғлиқдир. У мазкур вазифани ўзининг юксак маънавиятли шахсда иқтисодий билим ва маданиятни шакллантириш, назарий билим ва қоидаларни амалиётга жорий этиш, ғоявий-тарбиявий, методологик функциялари орқали амалга оширади.

Шунинг учун ҳам, сўнги йилларда малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнида иқтисодий таълим жараёнида талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилияти, иқтисодий тафаккурини ривожлантирувчи илғор педагогиктехнологияларни ташкил қилиш, фаол усуллардан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Касб-хунар коллежларда иқтисодий фанларни ўқитишда, талабалар фаоллигини оширишда педагогик технологияларининг илмий-назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини ўрганиш ва қўллашнинг амалий тавсияларини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг вазифаси:

Тадқиқотни мақсадларидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди ва ҳал этишга ҳаракат қилинди:

- Мавзу юзасидан иқтисодий ва педагогик адабиётлар таҳлили;
- Замонавий педагогик технологияларни ўрганиш ва иқтисодий дунёқарашини шакллантириш муаммосига доир замонавий таълим ва ахборот - технологияларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш;

- Таълим жараёнида педагогик технологияларининг афзаликларини асослаб бериш.

- Таълим жараёнида педагогик технологияларининг замонавий таълим-тарбия жараёнидаги ўрнини аниқлаш.

-Дарс бериш жараёнида ёшларнинг иқтисодий дунёқарашини шакллантиришда педагогик технологияларидан фойдаланишнинг амалий ва методик жиҳатларини тадқиқ этиш ва тегишли хулосалар ишлаб чиқиш

Битирув малакавий ишнинг объекти: Самарқанд шаҳар иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг таълим жараёни.

Битирув малакавий ишнинг предмети: Касб-ҳунар коллежларда талабалар фаоллигини оширишда педагогик технологияларини татбиқ этиш, талабаларда иқтисодий дунёқарашини шакллантиришда фаол ўқитиш методларининг амалий ва методик жиҳатларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси сифатида олинди. Аниқ вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий ва педагогик технологияларини ёритиб берган педагогик адабиётлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: Тадқиқот натижасида республикада таълим муассасаларида “Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларини роли ва аҳамияти” мавзусини ўқитишда мавжуд камчиликлар ва ютуқлар ўрганилди. Натижада ушбу мавзуни ўқитиш, педагогик технологиялардан фойдаланишнинг такомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши: Битирув малакавий иш кириш, 3 та боб 7 та параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган.

Битирув малакавий ишни кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, амалий аҳамияти, таркибий тузилиши баён этилган.

Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида “Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларнинг назарий масалалари” деб номланади. Бу бобда касб-хунар коллежларида иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти ва иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш баён этилди.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида “КХКлари таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш амалиёти ва унинг таҳлили” деб номланади. Бу бобда Самарқанд иқтисодиёт коллежининг дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш тартиби ва муаммолари ва таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларини жорий этиш имкониятлари ва унинг тавсифи асослаб берилди .

Битирув малакавий ишнинг учинчи бобида “Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларни самарали усуллари ва имкониятлари” деб номланади. Бу бобда КХКларини таълим жараёнига “Кластер” технологияларини татбиқ этиш услубияти ва амалиёти ва Самарқанд иқтисодиёт коллежида иқтисодий фанларни ўқитишда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили ва натижалари ҳамда, касб-хунар коллежида техника ва ёнғин хавфсизлиги каби масалалар ўрганилган.

I–БОБ. Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларнинг назарий масалалари.

1.1. Касб-ҳунар коллежларида иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири «шахс манфаати ва таълим устворлиги»дир. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ушбу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурида таълим-тарбия соҳасида бугунги кунга келиб долзарб вазифалар қўйилмоқда. Мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёев томонидан долзарб вазифаларни амалга ошириш билан ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз берадиган ўзгаришлар рўй-рост олдиндан кўрсатиб берилди, яъни ижтимоий-иқтисодий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради, инсонни ҳаётда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади, мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади, жамиятимизнинг потенциал кучларини руёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади, фФуқаролик жамияти куришни таъминлайди.

Юқорида келтирилган фикрларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимида педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп қара такрорланади.

Ҳозирги кунда педагогик адабиётлар, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология» «Замонавий таълим технологияси» иборалари кенг қўлланилмоқда. Аммо «Педагогик технология» тушунчаси ҳали бир қолипга туширилмаган, энциклопедияларда изоҳланганича йўқ, унинг мазмунини ягона талқини ишлаб чиқилмаган ва

шунинг учун иборанинг бир-биридан фарқланувчи кўпгина таърифлари мавжуд. (1-жадвалга қаранг).

Педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш моҳияти хусусида сўз юритиш учун «таълим технологияси» тушунчасининг туб маъносини англаш талаб этилади. «Технология» юнонча сўз бўлиб, «течне»-маҳорат, санъат ҳамда «логос»-тушунча, таълимот сўзларининг бирикмасидан иборат. «Таълим технологияси» тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча «ан эдусатионал течнологи») таълим (ўқитиш) жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан (ёки таълимот) маъносини англатади.¹

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар. Педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этишнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги;
- анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «ахборотли ўқитиш» сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги.

Педагогик технология юқорида санаб ўтилган шартларни барча талабларига жавоб берадиган педагогик тадбирдир.

Педагогикани технологиялаштиришнинг асосини, педагогик жараёнини, унинг самарадорлигини ошириш ва педагогик олувчиларни, берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этади.

¹Искандаров Э.А., Суёнов О.Ж. “Педагогик технологиялар ва улардан ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишда фойдаланиш” Ўқув-услубий қўлланма.Самарқанд. СамИСИ 2012й. 11бет

«Педагогик технология» назариясининг шаклланиш босқичлари

№	Босқичлар	Йиллар	Педагогик технология
1.	I- босқич	XX асрнинг 30 йиллари	ТТ Педагогик техника-ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташқил этишга қўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндисидир.
2.	II- босқич	XX асрнинг 50 йиллари	ТТ ПТҚ педагогик жараёнида техник воситаларни қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сиғимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташқил этиш, ўқувчи фаолиятини индивидуаллаштириш
3.	III- босқич	XX асрнинг 60-80 йиллари	ТТ Пт ТВ дастурий педагогик. Дастурий педагогик-тарбия мақсадларини аниқланиши, педагогик жараёнини умумий лойиҳалаш, ўқувчилар томонидан назарий билимларнинг ўзлаштирилиши эҳтимолини олдиндан ташхислаш, педагогик мақсадининг натижаланганлигини ўрганиш, фаолият натижаларини таҳлил этиш
4.	IV-босқич	Мустақиллик йиллари	Педагогикни технологиялаштиришнинг асосини, педагогик жараёнини, унинг самарадорлигини ошириш ва

			педагогик олувчиларни, берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этади
--	--	--	--

В.П.Беспальконинг ўзбекистонлик шогирдларидан Н.Сайидахмедов ва А.Очиловларнинг фикрича: “педагогик технология-бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шаклланишини кафолатлайдиган жараёнидир”²

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л.Фарберман педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: «Педагогик технология- педагогик жараёнига янгича ёндошув бўлиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онгифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир».³

Педагогик адабиётларда педагогик технологияга берилган бошқа таърифлар ҳам келтирилади, бизнингча, энг мақбули ЮНЕСКО таърифидир.

«Педагогик технология – ўз олдига педагогик шаклларини муқобиллаштириш вазифасини қўювчи, техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро фаолиятини ҳисобга олиб, педагогик бериш ва таҳсил олиш жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир».⁴

Демак, **педагогик технология** – педагогик моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон ва техника ресурслари ва уларнинг

² Сайидахмедов Н.С. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари. Т.: Янги аср авлоди. 2013. – 40 б.

³ Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан. 2014. -125 б.

⁴ Т.Н.Балло. Нестандартное обучение.- М.: Педагогика, 2015й. 94-б

ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир»

Педагогик технологиялар қуйидаги элементлар мажмуасидан ташкил топган:

педагогик берувчи ва педагогик олувчи,
педагогик мақсад ва кутилаётган натижа,
педагогик мазмун,
педагогик методлар,
педагогик шакллар,
педагогик воситалар, натижаларни баҳолаш ва таҳлил этиш.

Ушбу элементлар маълум бир кетма-кетликда жойлашган, мантқиқан ўзаро узвий боғланган ва биргаликда педагогик-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва уни сифатини оширишга хизмат қилади.

Педагогик технология пайдо бўлгунча қадар таълим тизими доирасида таълим жараёнини етарли самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмади. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига кафолати эришишда ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзаликда эмас, балки режалаштирилган натижаси олиш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали 2-жадвалда ўз ифодасини топади.


Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташҳисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади:

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- педагогларнинг билим даражаларини дастлабки баҳолаш;
- бажариладиган ўқув ишларни мажмуаси;
- натижани баҳолаш.

Бундан кўринадики, ўқув жараёни «модулли» кўринишга келиб, турли мазмун билан тўлдирилган, умумий тизимга мос ҳолда ишлаб чиқариладиган блоклар қисмлардан иборат.

2-жадвал

Конструктив, кўрсатмали технология




Ўқув жараёни педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштиришда педагогдан юксак малака талаб этади, материаллар тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилий ва консултатив вазифаларни бажаради. Умумий кўринишда педагогик технология таркибига қуйидагилар киради:

- фаннинг идентификациялашган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадли шажараси;
- ўқув мақсадларини назорат топшириқларига айлантириш;
- мақсадга эришиш усуллари;
- эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш.

Бу таркибий қисмларнинг ҳар бири маълум йўналишдаги педагогик операциялар тизимини ташкил этади. (3-жадвалга қаранг)

Педагогик технологияларда таҳсил олувчи шахси педагогик жараёни марказига қўйилади, унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт-шароитлар яратади.

Бизга маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Ўзбекистон Республикасидаги педагогик тизимининг миллий моделига алоҳида эътибор қаратилган. Бу модел беш таркибий қисмдан иборат: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз педагогик, фан, ишлаб чиқариш.



Бу ерда педагогик миллий моделининг асосий таркибий қисми «**шахс**» биринчи ўринда туради. Бошқача қилиб айтганда бутун педагогик тизими, шу жумладан ўқитиш шахсга йўналтирилган бўлиши лозим.

Шунинг учун замонавий педагогик технологиялардан педагогик жараёни, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари асосида амалга оширилиши лозим.

Шахсга янги қараш қуйидагилардан иборат бўлади:

- Педагогик жараёнида шахс объект эмас, субъект ҳисобланади;
- ҳар бир таҳсил олувчи қобилият эгаси, кўпчилик эса истеъдод эгаси ҳисобланади;
- юқори этик қадриятлар (сахийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждон ва бошқалар) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларда демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади

- таҳсил олувчи ва педагогик берувчи ҳуқуқларини тенглаштириш;
- таҳсил олувчининг эркин танлаб олиш ҳуқуқи;
- хатога йўл қўйиш ҳуқуқи;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;

- таҳсил олувчи ва педагогик берувчи муносабати зайли: таъқиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.⁵

Янги муносабатларнинг асосий мазмуни, ҳозирги замон шароитида самарали натижа бермайдиган ва ноинсоний ҳисобланадиган зўравонлик педагогикасидан воз кечишдир.

Педагогик луғатда педагогик технология тушунчасига турли хил йўллар билан ёндашилган, шунинг учун бизнинг тушунчада педагогик технологиялар ҳар хил муаллифларнинг таърифларини умумлаштирувчи сермазмун йиғимдир. Педагогик технология кўпроқ сифатли натижага эришишга қаратилган. Қўлланадиган педагогик технология натижаси эса, биринчи навбатда, педагогнинг маҳоратига, педагогик классификация турларидан моҳир фойдалана олишига, илмий-касбий тажрибасига, шахсий хусусият ҳамда инсоний фазилатларига боғлиқ.

Педагогик технологияларнинг психологик-педагогик нуқтаи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари қуйидагилар билан ифодаланади:

- 1) Ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиш, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиш.

- 2) Билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий ҳаракатнинг динамик таркибий тизимларига ўтиш.

- 3) Ўртача талабага йўналтирилганликдан ўқитишнинг дифференциалланган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш.

- 4) Талабанинг ташқи мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтиш.⁶

Таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши ишлатилмоқда. Бунда ҳар хил педагогик

⁵ Йўлдошев Ж. "Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш" -Т., 2008, 130б.

⁶ Пардаев М.Қ. Иқтисодий фанларда педагогик технология: назария ва амалиёт Т., 2012, 76.

тизим билан ўқитиш технологиялари ўртасида боғлиқлик, амалиётда давлат таълим тизимининг янги шакллари (қўшимча ва альтернатив)нинг апробацияси, ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг педагогик тизимларини қўллаш муҳим ҳисобланади. Бундай шароитда педагог, бошқарувчи кенг қўламли замонавий инновацион технологиялар, ғоялар, ўқув муассасасилар, йўналишларда маълум бўлган нарсаларни қайта очишга вақтини сарфлаш керак эмас.

Педагогик технологиялар асосида ўқитишда педагогик фаолиятдаги асосий ўзгаришлар қуйидагиларда кузатилади:

- ўқитишнинг техник асослари ривожланиши натижасида ўқув курсларини ишлаб чиқиш анча қийинлашади;

- ўқув курсларини ишлаб чиқиш учун махсус малака ва усулларни эгаллаш зарур;

- ўқув материаллари барча фойдаланувчиларга мўлжаллаб тузилгани учун уларнинг сифатига бўлган талаб ортади, ўқув материали сифатини назорат қилиш зарур бўлади;

- таълим жараёнида таълим олувчининг роли ортади, ўқув марказида ўқитувчи эмас, таълим олувчи бўлади;

- *таълим олувчиларни қўллаб-қувватлаш вазифаси кучаяди, индивидуал таълим олишда ўқувчига ёрдам берилади;*

- *ўқувчи янги технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳар бир таълим олувчи билан қайтар алоқа ўрнатилиши имконига эга бўлади.*

Юқорида таъкидлаганидек, педагогик технология шахсини ривожлантиришга имкон беради. Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: инкорпорация (тизимли фаолият кўрсатиш) асосида турли фанларга оид билимларни умумлаштириш; мосланувчанлик таълим шакли, методи ва усулларининг турли таълим муассаларида қўлланувчанлиги; уйғунлик-муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсини ривожлантириш шакли, методи ва усуллари билан уйғун тарзда боғланиши;

яратувчанлик - турли ўқув муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари; табиийликни ҳис этиш - шахснинг генетик ва ижтимоий жиҳатларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг ўзига хослиги, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

Ўқув жараёнининг ташкил этиш самарадорлигига таъсир этувчи, кейинги омил, ўқув графигини мақбуллаштириш ҳисобланади. Ўқитиш жараёнининг самарадорлиги нуқтаи назардан, бир ҳафтага ажратилган аудитория соатларнинг энг кам миқдори тўрт соатни ташкил этиши керак. Ҳафталик аудитория соатлари бундан кам бўлган фанлар учун ўқув жараёнини блокли ташкил этиш тавсия этилади. Ўқув мақсадларига эришишда, ўқув жараёнининг муҳим таркибий элементи сифатида, ўқитиш жараёнини самарали ташкил этишга алоҳида ўрин ажратилади. Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари самарали ҳисобланади. Ўқитишнинг ушбу технологиялари, талабанинг табиий қобилияти даражасида фанларни ўзлаштириш учун шароит яратадилар, шахс ривожига имконият туғдирадилар.

Ўқитишнинг режалаштирилган натижаларига кафолатли эришиш, ўқитиш жараёнини технологик ташкил этиш ва бошқарувчанлиги орқали таъминланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши қўлланилмоқда. Замонавий педагог мутахассис бўлиш учун таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.

1.2.Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш .

Қатор йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиб келинди ва у турли фаолият доирасида эди. Бугунги кунда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга мамлакатимизда ҳам имкониятлар мавжуд. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши замонавий педагогик технологиянинг моҳиятини аниқлашга йўл очади.

Педагогик технологияни педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолият йўналишларини аниқлайди. Бу эрда изланишнинг моҳиятини- педагогик тизимни ташкил этувчи элементларни ўрганиш асосида янгилашдан иборат. Сабаби, ҳар қандай ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш у ёки бу педагогик тизимни акс эттиради.

Педагогик технологияни тушунишнинг асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, талаба билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўла қамраб олиши керак.⁷

Педагог одатда, ўз олдида талабалар ўқув материалининг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олишсин, маълум билимларни эгаллаб амалиётда қўллашга ўргансин деган мақсадни кўяди.

Педагогик мақсадларга эришганлик ёки эришмаганлигини билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина педагог ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танланган услублари мақсадга мувофиқлигига ёки самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Одатда, жамиятдан буюртмани умумий

⁷ Искандаров Э.А., Суёнов О.Ж. “Педагогик технологиялар ва улардан ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишда фойдаланиш” Ўқув-услубий қўлланма.Самарқанд. СамИСИ 2012й. 11бет

кўринишда олади.⁸ Фан бўйича берилган ўқув дастурларида берилган мақсадлар ҳам жуда оз кўринишда бўлади. Бундан чиқиш учун мақсадларни аниқлаштириш борасида маълум бир тизимни тузиш мумкин.

Педагогик технологияда ўқув мақсадларини қўйилиши ўзининг маълум хусусиятларига эга. Бу шундан иборатки, таълим мақсадлари талабалар харакатида ифодаланадиган аниқ кўринадиган ва ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади.

Таълим мазмуни одатга кўра, асосан тематик йўналишга эга ва унда ўқитишнинг аниқ мақсадларини кўриш қийин. Ўқитиш вазифаларини таққосланадиган мақсадларини енгиллаштириш учун, ўзлаштирган талабаларни малакасини ифодаловчи феъллардан фойдаланиш мумкин. Билади, тушунтиради, чиқаради, ишлатади, намойиш қилади, ажратилади, топади ва хоказо. Феълларни умумий ёки хусусий кўринишда ҳам ифодалаш мумкин: ўрганиш, аниқлаш, танишиш, тушуниш, белгилаш, ажратиш, тўплаш, тузиш ва хоказо.

Шундай қилиб, мақсадларни аниқроқ, тайинли қўйишнинг асосий йўли-маълум натижа билан яқунланадиган харакатларни ифодалайдиган феъллардан фойдаланишдир.

Таққосланадиган таълим мақсадларини (вазифаларини) шакллантириш куйидаги тизим бўйича босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Тайинли ўқув машғулотининг умумий мақсади ўқитишнинг хусусий мақсади таққосланадиган ўқитиш мақсади.

Педагогик технология усули тизимли, технологик ёндашувларга асосланади.

Бугуни кунда таълим технологиялари шартли равишда икки турга бўлинади:

1. Анъанавий.
2. Ноанъанавий.

⁸ Юсупов, Д. «Иктисодий таълим жараёнида янги педагогик технологияларни куллашнинг назарий ва амалий асослари». Магистрлик диссертация. 2015 йил. 89-бет.

Анъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир.

Анъанавий ёндашув. Унинг асосий хусусияти-ўқитувчи маълум ахборотни, гапириб беради, тушунтиради, талаба эса бу билимни хотирасида сақлайди. “Билим” тушунчаси хотирада сақланадиган ахборот маъносида тушунилади. Талабада билим бор-йўқлиги имтиҳонда шу ахборотга доир берилган саволга ёддан берган жавобига қараб аниқланади. Бунда билим дегани асосан эса қолдиришнинг натижасидир, у кўпинча юзаки бўлиши ҳам мумкин. Бундай билим хотирада узок сақланмайди. Талаба савол берилганда эслаши, баъзан эслай олмаслиги ҳам мумкин.

Анъанавий ўқитиш усулида таълим мақсади дастур талабига биноан аниқ ифодаланмайди, талабанинг ўзлаштириш даражаси, сифати ҳақида муаллим аниқ тасаввурга эга бўлмайди.

Анъанавий таълим мамлакатимизнинг ўқув юрларида кенг тарқалган, унинг турли жиҳатлари педагогика, методика фанларида ишлаб чиқилган, катта тажриба тўпланган. Анъанавий таълим усулини такомиллаштириш соҳасида изланишлар давом этаётир. Лекин унинг объектив имкониятлари чекланган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар, тез суръатлар билан ривожланаётган фан –техника талаблари-таълим усули билан жамитянинг рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, баркамол авлодни шакллантиришга бўлган эҳтиёжи ўртасида номутаносибликни вужудга келтирди. Уни таълимда бошқа янги ёндашувларни қўллаш йўли билан ҳал этиш лозим. Анъанавий педагогикада методик ишланмалар ўқитувчи дарс ўтиши учун тузилса, педагогик технология-ўқувчини ўқув-билиш фаолиятининг шакллари ва мазмунини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Ноанъанавий таълим – ҳозирги кунда норасмий фан сифатида маълум бўлган, бироқ кун сайин бутун жаҳон соҳа мутахассисларининг эътиборига тушиб, жадал ривожланиб бораётган билимлар тизимидир. Унинг таълимий аҳамиятини тан олган педагоглар жамоаси, олимлар, шу боисдан ҳам мавжуд анъанавий педагогикага танқидий ёндашмоқдалар.⁹ (4-жадвалга қаранг)

Ноанъанавий таълим - ҳукмрон назария, назарий ва амалий муаммоларни ҳал этишнинг асоси қилиб олинган. Инноваторлар фикрига асосан одатий мумтоз педагогик назариялар эскириб қолган, янги шароитда ҳозирги авлодни бу йўл билан тарбиялаш мумкин эмас.

Ҳозирги педагогик фандаги вазият умумий ҳолда шундан иборат. Бу вазиятда инновация жуда муҳим. Педагогика-билимлар тизимидир. Обьективлик, мақсадга мувофиқлик, мустахкамлик, бир-бирига зид бўлмаслик- унинг асосий характеристикаларидир. Педагогика тизимини ҳар қандай илмий назария каби тизимини ташкил этувчи тамойиллари лойихалаштиради, бирлаштиради ва ушлаб туради яъни ушбу тизим асосий билимларга асосланиши асосий ҳолдир.

Ноанъанавий таълим технологиянинг муҳим белгиси-мақсад ҳосил қилиш жараёнидир. Анъанавий педагогикада “педагогик мақсад” масаласига назариячилар ҳам, амалиётчилар ҳам кам эътибор беради, мақсад-методик адабиётларда ҳам ноаниқ ифодаланиб, унга эришиш даражаси ҳам субъектив баҳоланади.

⁹ Толипов Ў. Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари.- Пед.фан.док.... дисс.-Т.:2004. 278 б.

4-жадвал

АНЪАНАВИЙ ВА НОАНЪАНАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Мезонлар	Анъанавий ўқитиш	Ноанъанавий технологик ўқитиш
<i>Мақсад</i>	Билим бериш, кўникма шакллантириш	Ҳамкорликдаги фаолият орқали билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш
Ўрганувчининг роли	Кўрсатмаларга бўйсинади; Ахборотни пассив қабул қилади; ахборотни ўзлаштиради; ўрганиш жараёни учун қисман масъул	Ўз ғояларини таклиф қилади; ўзаро боғланган; фаол иштирок этади; таълим жараёнига тўлиқ масъул
Ўқишга Қизиқтириш (мотивация)	Ташқи жамият томонидан тазйиқ кўрсатилади (оила, дин, урф-одатлар ва ш.к.); Талаба ўқишнинг шу заҳотлик фойдасини кўрмайди	Ички қизиқтирувчи омиллар. Талаба шу заҳотлик фойдани англайди
<i>Мазмун танлови</i>	Ўқитувчи назорат қилади. Талаба қисман танлайди ёки умуман бундай ҳуқуққа эга эмас	Таълим мазмуни талабалар танлаган муаммоларини ечишга йўналтирилган
<i>Жараён</i>	- директив (кўрсатмали) ёндашув - талқин қилади ва баҳолайди - мавзу бўйича кўпроқ ва яхшироқ билади - мутахассислик тилида сўзлайди	- демократик ёндашув - тинглайди, қўллаб қувватлайди, ҳар бир кишининг фикри ва ғояларини қабул қилишга тайёр - талабалар тилида сўзлайди
Усуллар (методлар)	Талаба далиллар, ахборот олади	Ўқитиш талабаларнинг билим ва кўникмасига асосланади
<i>Қарор қабул қилиш</i>	Қарорни ўқитувчи қабул қилади	Қарор биргаликдаги фаолият давомида қабул қилинади ҳамда у гуруҳ ва ўқитувчининг муваффақиятли ҳамкорлиги натижаси ҳисобланади

Ноанъанавий таълим технологияда¹⁰ –педагогик мақсадни аниқлаш асосий муаммо бўлиб, мақсадни диагностик ифодалаш, билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш назарда тутилади. Ниҳоят таълим-тарбия жараёнлари тузилиши ва мазмуни жихатидан яхлитлиги- таълим технологияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим принципи ҳисобланади. Яхлитлик принципи, шунингдек, таълимнинг ҳар тури бўйича бўлажак педагогик тизимнинг лойиҳасини ишлаб чиқаётганда педагогик тизимнинг барча элементлари (чорак, семестр, ўқув йили давомида ҳам, шунингдек бутун таълим давомида ҳам) ўзаро таъсирда бўлишига эришиш зарур.

Демак, ноанъанавий таълим технология - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида талаба шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим - тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.

Менинг назаримда, ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, талабаларнинг билиш имкониятларини ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилади, билиш фаолиятлари изланувчан ва ижодий ҳарактерга эга бўлади. Дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади ва анъанавий педагогикада методик ишланмалар ўқитувчи дарс ўтиши учун тузилса, ноанъанавий таълим эса - ўқувчини ўқув-билиш фаолиятининг шакллари ва мазмуини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этади.(2-жадвалда кўрсатилган)

Ноанъанавий таълим технологияси ўз навбатида учга бўлинади:

- Ҳамкорликда ўрганиш
- Моделлаштириш
- Тадқиқот (лойиҳа)

¹⁰ Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.:”Фан” 2006 йил 76 бет.

Ҳамкорликда ўрганиш - талабаларнинг билимларни ўзлаштириш, сингдириш, мустақамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича талабанинг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олишдир. У талабаларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тўтадиган методлардан иборат. Буларга «Китоб билан ишлаш», «Ўқув суҳбати», «Давра суҳбати», «Ақлий ҳужум», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Баҳс-мунозара» каби методларни киритиш мумкин.

Моделлаштириш - реал ҳаётда ва жамиятда юз берадиган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва содаллаштирилган кўринишини аудиторияда яратиш ва уларда талабаларнинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тўтади. Унинг асосий мақсади талабаларнинг фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга қара-тилган. Буларга ишбоп ўйинлар ва ролли ўйинлар каби методларни киритиш мумкин.

Тадқиқот - талабалар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундай-диган усуллар йиғиндисидан иборатдир. Тадқиқотнинг мақсади дарс жараёнида талабаларда савол қўйиш ва уларга жавоб излашида қизиқишини уйғотишга қаратилгандир. Унда ўқитиш талабаларни амалий изланиш жараёнида бевосита қатнашишини таъминлайди. Буларга муаммоли вазият, лойиҳалаш методи, мус-тақил изланиш, йўналтирувчи матн каби методлар киради.

Таълим тарбиянинг мақсади объектив ҳарактерга эга. У ҳар бир жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларидан ҳосил бўлади, ижтимоий буюртма сифатида давлат ҳужжатларида умумий тарзда ифодаланди. Таълим-тарбиянинг мақсади тизим ҳосил қилувчилик хусусиятига эга. Педагогик тизимнинг барча қисмлари таълимнинг мақсадига боғлиқ ва уни руёбга чиқаришга хизмат қилади. Шахсни, мутахассисни шакллантириш

мақсади таълимнинг мазмуни /ўқув режаси, ўқув дастури, дарсликлар/ни белгилайди.

Педагогик тизим дидактик вазифа ва таълим технологиясини ўз ичига олади. Таълим-тарбиянинг мақсади ва мазмуни-дидактик вазифа; дидактик жараён, ўқитувчи ва техник воситалар, таълим-тарбия шакллари усуллари-таълим технологиясига киради. Педагогик амалиётда дидактик вазифани таълим технологияси ёрдамчи ўқувчи, талаба ўзлаштириб олади.

Педагогик технологиянинг моҳияти шундан иборатки, у биринчидан, таълим-тарбия жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва сўнгра, синфда, аудиторияда ўқувчилар билан бирга лойиҳани қайта ишлаб чиқишни назарда ттади. Бу масалани “дидактик вазифа”, “таълим технологияси” тушунчаларини қўллаш билан ҳал этиш мумкин.

Иккинчидан, анъанавий педагогикада методик ишланмалар ўқитувчи дарс ўтиши учун тузилса, педагогик технология-ўқувчини ўқув-билиш фаолиятининг шакллари ва мазмунини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Учинчидан, педагогик технологиянинг муҳим белгиси-мақсад ҳосил қилиш жараёнидир. Анъанавий педагогикада “педагогик мақсад” масаласига назариячилар ҳам, амалиётчилар ҳам кам эътибор беради, мақсад-методик адабиётларда ҳам ноаниқ ифодаланиб, унга эришиш даражаси ҳам субъектив баҳоланади.

Педагогик технологияда –педагогик мақсадни аниқлаш асосий муаммо бўлиб, мақсадни диагностик ифодалаш, билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш назарда тутилади.

Ниҳоят тўртинчидан, таълим-тарбия жараёнлари тузилиши ва мазмуни жихатидан яхлитлиги-педагогик технологияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим принтсипи ҳисобланади. Яхлитлик принтсипи, шунингдек, таълимнинг ҳар тури бўйича бўлажак педагогик тизимнинг лойиҳасини ишлаб чиқаётганда педагогик тизимнинг барча элементлари

(чорак, семестр, ўқув йили давомида ҳам, шунингдек бутун таълим давомида ҳам) ўзаро таъсирда бўлишига эришиш зарур.

Педагогик тизимнинг бир элементи, масалан мақсади ўзгарса унинг бошқа қисмлари (мазмун, шакллари, жараёнлар) ҳам ўзгаради.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйди. Демак, Миллий дастур бизда таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси сифатида қабул қилинапти. Фақат ижтимоий (давлат) буюртмасигина таълим ва тарбиянинг умумий мақсад ва вазмфаларини аниқ белгилаб беради ёки олий (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар) таълим учун педагогик тизимнинг мавжудлик шартларини кафолатлайди.

Қуйида барча таълим турлари учун умумий бўлган педагогик тизими лойиҳасини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Таълим соҳасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси ҳар қандай педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги инвариатив элементлардан ташкил топишини кўрсатиб беради: 1-талабалар; 2-таълим /тарбия/ мақсадлари; 3-таълим /тарбия/ мазмуни; 4-дидактик жараён; 5-ташкилий шакллари; 6-педагог.

Педагогик тизим, ҳар қандай назарияга хос бўлгани каби, қуйидаги икки тушунчани қамраб олади: дидактик масалалар ва уларни амалга оширишнинг педагогик технологияси. Дидактик масалалар педагогик тизим доирасида инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳаси каби аниқ мақсад ва унда эришиш учун шарт-шароитлар ҳамда бу фаолиятлар учун ахборотлар (мазмун) бўлиши керак.

Дидактик масалаларни ҳал этиш мақсади шахс сифатларини шакллантириш учун зарурат бўлса, шарт-шароитлар-талабаларнинг бошланғич сифат кўрсаткичлари, ахборот эса ўқув предметининг мазмунидир.

Ҳар бир дидактик масала педагогик тизмда ўзига мос келадиган ПТ элементлари билан ҳал қилинади, улар: дидактик жараён педагог ёки ўқитишнинг техник воситалари ҳамда ўқитишнинг ташкил қилиш шакллари. Юқорида ижтимоий буюртма йўналиши дидактик масалаларга қаратилган ва бу бежиз эмас: таълим ҳар доим жамият талабларини қондиришга хизмат қилади ва у онгли равишда ёки интуитив (ички ҳис блан, сезиб) трзда тез ёки секинлик билан бу талабларга мос ҳолда тузатила борилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, педагог-методистлар ҳозирга қадар дидактик масалаларни аниқ ифодалашга ва унга мос келадиган ПТни ишлаб чиқишга кам эътибор бераётирлар. Шу нуқтаи назардан Миллий дастур ижтимоий буюртма сифатида янги ПТн яратиш ва амалиётга жорий этиш мажбуриятини юклади.

Педагогик технологияга “янги” сўзининг кўшиб ишлатилиши назарияни олимлар ва ўқитувчиларни бир қадар ўулантириб қўйди, эндиқда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини англаб этмоқдалар. Шундай экан педагогик технологияни қандай янгилаш мумкин? Эътиборни юқорида келтирилган педагогик тизим тузилишига қаратайлик. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини кўрсатади ва таълим тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. “Мақсад” (2) эса педагогик тизимнинг бош бўғини ҳисобланиб, у қолган элементларни ўз навбатида янгилаш заруриятини келтириб чиқаради. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди, яъни “Ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш” деб белгиланади. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг янгиланиши табиийдир. Таълим мазмуни ўқув дастурлари, қўлланма ва дасрликлард ўз ифодасини

топади. Шу мунсоабат билан фан соҳалари бўйича таълим мазмунини ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилди.

Педагогик тизимда дидактик масалаларнинг ўз эчимларини топиши Миллий дастур ғояларини рўёбга чиқаришнинг муҳим босқичидир.

Агар педагог қўлида билимга чанқоқ, иқтидорли талаба ўқувчилар, фан мақсадига мос мазмун-дастур, ўқув қўлланма, дарсликлар мавжуд бўлса, у дидактик жараёни муваффақиятли амалга ошириш учун билиш фаолиятининг ташкилий шаклларида самарали фойдаланиб янги ПТни амалиётга изчил ва кетма-кет жорий этиши мумкин.

Шундай қилиб, таълим тараққиётининг ҳаққоний ҳаракатлантирувчи кучи сифатида мавжуд дидактик масалалар ва унга мос келадиган педагогик технология асосида оқилона қурилган педагогик тизим хизмат қилади.

Ўқиш, ўқитиш-инсон фаолиятининг бошқа соҳалари сингари ижтимоий фойдали фаолиятдир, гарчи унинг самараси дархол бевосита кўзга ташланмаса ҳам. Иқтисодий тузумлар нима ишлаб чиқараётгани билангина эмас, балки қандай ишла чиқараётгани ва қанақа меҳнат қуроллари билан ишлаб чиқараётганлиги билан бири иккинчисидан фарқланади, деган ғоя ўқиш-ўқитиш фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Педагог юқорида таълим усуллари ривожланишига шу нуқтаи назардан қараб, уни шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1-муаллим “ўз кучи билан ўқитиш босқичи, яъни ўқувчи учун ахборот манбаи –ўқитувчи бўлиши.

2-ўқув китоблари, дарсликлар яратилган ва кенг қўлланилган босқич:

3-аудиовизуал воситалар қўлланилган босқич;

4-ўқитишни бошқаришда оддий автоматлаш воситаларини қўллаш босқичи;

5-ўқитишни ҳозирги замонавий ЭХМлар воситасида бошқаришни автоматлаштириш босқичи.

Инсониятнинг ривожланиш дасрлари алмашганда педагогик технологиялар бутунлай йўқ бўлиб кетмайди, балки педагогик

технологиялар кейинги даврларда ассотсиатсия бир-бирини эслат. Ўзаро боғлиш орқали фикран боғланади, янги сифатлар, хусусиятларга эга бўлиб, кучаяди, бойийди. Бу жараён борган сари тобора тезлаша боради.

Кишилиқ тарихида 1-босқич узоқ муддат давом этган. Унда ўқитувчи ўз кучига, ўз билими ва махоратига асосланиб иш бажарган. Кейинчалиқ дунёвий ва диний мазмундаги қўлёзма китоблар яратилди, лекин ўқувчи уларнинг мазмунини ўқитувчи фаолияти воситасида ўзлаштиради. Бундай ҳолат XV11 асргача-Я.А.Коменский “Буюк дидактика” асарида ўқувчи таълим олиши учун дарслиқ зарурлигини исботлагунча давом этди. Яна бир қанча тўсиқларни бартараф этиб, дарслиқлар эвропа мамлакатларида XVII асрда кенг қўлланила бошланди.

2-босқич-қоғоз ўқув китоби даври хали ниҳоясига этказилгани йўқ, дарслиқлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияси ҳамон мукамал эмас. Лекин ўқитишнинг 1,2,3-босқичларига хос таълим воситалари мактабларга жадал кириб келмоқда.

Ўқув китобларини жорий этиш қарама-қаршилиқлар кураши натижасида содир бўлган. Кейинги даврларда ҳам таълим соҳасидаги жиддий ўзгаришлар курашсиз, осон бўлмаган. Ҳозирги кунда ҳам 1-босқич технологияси руҳида шаклланган айрим педагогларда кейинги даврларда вужудга келган ўқув воситаларини ўзлатириб олишга, таълим-тарбия жараёнини шу асосда ташкил этишга интилиш суст. Ваҳоланки 1-босқич ўқув воситалари ўқитувчидан кўп меҳнат талаб этади ва ўқувчининг билим, тайёргарлик даражаси юқори бўлмайди.

Бу педагогик босқичларнинг ҳар бирида таълим методлари такомиллаштирила борганлиги туфайли ўқитувчи меҳнатининг самараси ортиб, янги технологияни қўллайдиганлар сафи кенгая борган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасини ривожланган давлатлар даражасига чиқариш мақсадида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим тўғрисидаги қонун” қабул қилинди. Таълим Ўзбекистон давлати сиёсатининг устивор соҳасига айланди, улкан ишлар режлаштирилмоқда,

давлат бюджетидан бу сохага катта маблағлар ажратилмоқда. Миллий дастурда ривожланган мамлакатлар даражасида рақобатбардош, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни эгаллаган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсади кун тартибига қўйилди. Илгариги педагогик технологиялар билан бу вазифаларни бажариб бўлади? 3,4-педагогик босқичларни четлаб, 5-ЕХМларга асосланиб педагогик технология воситалари ва методларини ўзлаштиришга ўтиш мумкинми? Тажриба бу саволга ижобий жавоб беради.

Талабаларни мустақил-ижодий фикрлашдек, маънавий бойликнинг эгаси қилиб тайёрлаш. таълим тизимининг асосий вазифаларидан бирини ташкил қилади. Чунки, яна такроран қайд қилиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойдали бўлади-ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиш қобилиятига эга бўлади. Талабаларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар таълим тизимида самарали қўлланаётган *кейслардан* фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги кунларда кўпчилик синф хоналарига кириб таълим жараёнини кузатган киши мавжуд педагогик тизим биринчи ва иккинчи босқичларга хос эканлигига ишонч ҳосил қилади. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда айрим умумий таълим мактабларида педагогик тизимни учинчи, тўртинчи босқичлар даражасида ташкил этиш учун имкониятлар, шарт-шароитлар мавжуд.

Шуни таъкидлаш лозимки, компьютерларни сотиб олиб, синф хонасига ўрнатиш билан ўқитишнинг бешинчи бомқичи вужудга кела қолмайди. Педагогик технологияни лойиҳалаш ва қўллаш яхлит жараёнлигини доимо ёдда тутиш ва уни амалга оширишга ҳаракат қилиш, интилиш лозим. Агар педагогик тизимда таълимнинг техник воситаси сифатида компьютер ишлатиладиган бўлса, педагогик тизимнинг бошқа элементлари ҳам шунга мос равишда ташкил этилиши керак, шундагина

компютернинг барча дидактик имкониятларини юзага чиқарадиган янги, такомиллашган педагогик технология ҳосил бўлади.

И-Боб.КҲКлари таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш амалиёти ва унинг таҳлили

2.1. Самарқанд иқтисодиёт коллежининг дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш тартиби ва муаммолари.

Таълимни технологиялаштириш ғояси янгилик эмас. Бундан 400 йил аввал чех педагоги Ян Амос Коменский таълимни технологиялаштириш ғоясини илгари сурган. У таълимни “техникавий” қилишга ундаган, яъни ҳамма нарса нимага ўқитилса, муваффақиятга эга бўлсин. Натижага олиб келувчи ўқув жараёнини, у “дидактик машина” деб атаган.

Бундай дидактик машина учун аниқ қўйилган мақсадлар; бу мақсадларга эришиш учун, аниқ мослаштирилган воситалар; бу воситалар билан қандай фойдаланиш учун, аниқ қоидаларни топиш муҳимлигини ёзган.

Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик хусусиятни бериш учун 50-йилларда биринчи уринишлар қилиб кўрилган. Улар ўз ифодасини анъанавий ўқитиш учун мажмуали техник воситаларни яратишда топган.

Ҳозирги вақтда “педагогик технология ўқитишнинг техник воситалари ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмайди, балки бу таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ҳамда усул ва материалларни қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш йўли орқали таълим жараёнининг асослари ва уни мақбуллаштириш йўллари ишлаб чиқишни аниқлаш мақсадидаги тадқиқотдир”.

Барча таълим ва тарбия ишларини педагогик технология йўлига ўтказиш, таълим амалиёти педагогик жараёнини ихтиёрий қуриш ва уни амалга оширишдан кескин бурилиши қуйидагиларни англатади:¹¹

➤ унинг ҳар бир қисм ва босқичларининг изчил асосланганлиги (таълим жараёнини тартиблаштириш - батафсил аниқланган ва асосланган, ишларни маълум тартибдан ташкил топган қисмлар - мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини бўлиш орқали мумкин қадар расмийлаштириш нуктаи назаридан расмийлаштирилган);

➤ яқуний натижани ҳаққоний ташхис қила олишга йўналтирилганлиги;

¹¹ Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. -Т.: Фан, 2005.

➤ таълим жараёнига мавжуд шароит ва белгиланган вақт ичида қўйилган таълимий мақсад ҳамда ижобий натижага эришишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш технологик жараёнининг мукамал, аниқ йўлга қўйилган, изчил, мувофиқлашган хусусиятини бериш;

➤ унинг самарадорлиги ва инсон имкониятлари (куч, вақт)ни мақбуллаштириш мақсади билан бутун таълим жараёнини бошқарувчанлиги.

Педагогик илм ва амалиётда “педагогик технология”, “таълимий технология” ва “илғор педагогик технология” каби атамалар кенг қўлланилиши кузатилмоқда. Шу билан бирга уларни тушунишда алоҳида бўлган ўқиш турлари мавжуд. Авваламбор, аниқ ифодани бериш, уларни нима бирлаштириши, уларни нима ажратиб туришини тушуниш учун мен биринчи ўринда - “технология” ва унинг келиб чиқувчилари: “технологик жараён”, “технологик ҳаракат”, “технологик харита”, “технологик тартиб” тушунчаларини аниқлаб олдим:

Таълимни технологиялаштириш бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир.¹²

Таълим технологияси - бу мавжуд шароит ва ўрнатилган вақтда белгиланган таълимий мақсад ва кўзланаётган натижаларга кафолатли эришишни воситали таъминловчи, *мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг энг қулай йўл ва ўқитиш воситаларининг тартибли йиғиндис* (таълим бериш технологиясининг жараён-баёнли жиҳати);

- бу мавжуд юзага келган таълимий жараён субъектларининг ҳамкорий ҳаракатлари, ҳақиқий жараён (таълим бериш технологиясининг амалий-жараён жиҳати) тартиби.¹³

¹²Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари.-Т.: РТМ, 2004.

¹³ Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. -Т.: Фан, 2000.

“Педагогик технология” – педагогик ҳодиса ва таълимни технологиялаштириш соҳасидаги жараёнда қўлланиладиган тушунча.

“Илғор педагогик технология” –“таълим олиш шакллари ни мақбуллаштиришни ўз вазифалари деб қўювчи, яъни бутун таълим бериш жараёни ни ҳамда техникавий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли усули”.¹⁴

Бу таърифлар таҳлилидан **педагогик технология натижани қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва татбиқ** этиш деган хулосага келиш мумкин.

Менинг назаримда, **илғор педагогик технология** деганда таълимнинг белгиланган мақсади ва талабанинг билим даражасига кўра ўқув фаолиятини бошқаришнинг назарий лойиҳаси ва педагогик тизимнинг амалга бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилади.

Илғор педагогик технологиянинг мақсади - педагогик тизимнинг амалда бўлиши, унинг мосланувчанлиги ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари, уларнинг технологик ва индивидуал меъёрлари билан боғланган. Бунда ушбу технологияларнинг мослашувчанлиги, уларнинг вариативлиги, талаба хатти-ҳаракатларининг босқичлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Изланишлар натижасида қўйидагилар аниқланди: “педагогика тизими”, “илғор педагогик технология”, “ўқитиш технологияси”, “фан услубиёти” тушунчаларни, замонавий педагогик адабиётларда кўп маротаба учратдим ва уларни ухшашлиги ва фарқини аниқлашга ҳаракат қилдим.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари жорий этилиши ва таълим жараёнига таълим технологияларнинг, компьютер, янги ахборот технологиялари ва техник воситаларнинг қўлланиши билан дарс ишланмаларига қўйилган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. Дарс ишланмалари

¹⁴Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. -Т.: Ўқитувчи, 2004.

учун тайёр қолиплар йўқ. Чунки жонли дарс жараёнини ҳеч қанақа қолипга солиб бўлмайди. У турли хил шароитларда турлича тузилиши мумкин.

Шундай бўлса-да, касб-ҳунар коллеж ва академик лицей ўқитувчиларига дарс ишланмасини республикамизнинг етакчи педагоглар қўйидагича тузишларини тавсия этади:

1. Ташкилий қисм – саломлашиш, давоматни текшириш, зарур техник восита (видеопроектор, кодоскоп)ларни дарсга ҳозирлаш;

2. Кичик гуруҳларда ишлаш - ўтган дарс мавзуларини такрорлаш; талабалар гуруҳини жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш ва илғор педагогик технологиялари билан таништириш, талабаларни баҳолаш мезони билан таништириш; янги дарс мақсадини тушунтириш (дарс мақсади ва ёритилиши лозим бўлган асосий тушунча ва атамалар, олдиндан слайдга тақдимот сифатида ёзиб қўйилса вақт тежалади);

3. Янги мавзунини ёритиш - дарс материалларини кичик-кичик бўлақларга бўлиб, кетма-кет маълум узвийликда ва мантиқий боғлиқликда, кўргазмали тарзда ва турли хил ўқитиш услубларидан фойдаланган ҳолда бериш;

4. Янги мавзунини мустаҳкамлаш - олинган назарий билимларни ёрқин мисолларга қўллаш ва турли хил топшириқларни бажариш асосида ўқувчиларда янги мавзуга оид амалий кўникмаларни ҳосил қилиш ва баҳолаш; баҳолаш учун бериладиган савол ва топшириқлар айнан дарс мақсадидан келиб чиққан бўлиши, унга эришилган ёки йўқлигини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим;

5. Дарсга яқун яшаш ва баҳолаш - дарснинг мақсадини яна бир бор эслатиш ва унга қанчалик эришганликни ўқувчилар билан биргаликда аниқлаш; ўқувчиларнинг мавзу бўйича саволларига жавоб бериш, дарснинг асосий лаҳзаларини қайд қилиш, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш, дарсда фаол қатнашган ўқувчиларни тилга олиш ва баҳолаш; (ўқувчилар билимини баҳолашни бутун дарс давомида турли хил усуллар ёрдамида ҳам бажариш мумкин; баҳолашдан мақсад ўқувчиларга фақат қандайдир балларни қўйиб боришдан иборат эмас, балки ўқувчиларнинг

ўзлаштириш даражасини назорат қилиб боришдан иборат бўлиб, керак бўлганда дарснинг боришига ўзгартиришлар киритиш, тушуниш қийин бўлган жойларга қайта тўхталиш лозим бўлади);

6. Уйга вазифа - ўтилган мавзу бўйича билим, малака ва кўникмаларни янада мустаҳкамлашга ёки келгуси дарс учун ҳозирлик кўришга қаратилган, мустақил бажаришга мўлжалланган савол, машқ ва топшириқлар мажмуаси.

Илғор педагогик технологияларининг дарс жараёнида қўлланиш тартиби (механизми)ни ишлаб чиқиш учун “иктисодчи-педагог + гуруҳ + кичик гуруҳлар” билан ишлашни режалаштириш керак.

Агар педагогик тизимнинг таркибий ташкил этувчиларидан биттаси ҳам бўлмаса, ундай ҳолда таълим жараёнининг ўзи ҳам бўлмайди, ёки у кучсиз хусусиятга эга бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ижобий натижа бўлса ҳам, у тасодифий бўлиши мумкин.


Масалан, илғор педагогик технологиясининг ҳаракатланувчи тузилмасини лойиҳалашни (8- чизмага қаранг) бошлагунча кенг қамровли ахборотни олиш тушунилади, яъни: *таълим олувчилар*, шу қаторда уларнинг:

- таянч билимлари (аввал олган билимлар йиғиндиси);
- ўқув - ахборотли малакалар;
- ўқишни давом эттириш, касбни эгаллаш учун керакли ўқув мулоқотли (ўзаро фикр алмашинуви билан боғлиқ) малакалар;
- касбий муҳим сифатлар;
- шахснинг ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган сифатлари;
Ўқув – моддий манба:
- ўқув материалларининг (китоблар, қўлланмалар, луғатлар ва бошқалар) мавжудлиги;
- таълим бериш воситаларининг борлиги ва ҳолати;
- жиҳозланган хоналарнинг (устахона, тажриба ўтказиш хоналари ва бошқалар) мавжудлиги.

Бошланғич вазиятни “аниқлаш” мақсадни белгилаш учун муҳим. Моддий ва масъул (масалан, ишлаб чиқариш шароитидаги) фаолият маълум соҳанинг борлиқ қонуниятлари билан боғлиқ. Шу боис ишлаб чиқариш технологиялари технологик тартибни қатъий белгиланиши билан хусусиятланади ва шу билан бирга натижани белгиланган мақсадга мослигини доимо таъминлайди.

1- чизма

Илғор педагогик технологиясининг ҳаракатланувчи тузилмаси



Гуруҳда ишлашни режалаштириш пайтида нималарга эътибор бериш керак?

1.Вақтга:

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш ва режалаштирилган натижаларга эришиш учун ихтиёрингизда қанча вақт борлигини аниқлаб олиш керак.

2.Машғулот мақсадини танлашга:

Гуруҳларда машғулотларни қай тарзда ўтказишингизни аниқлаб олиш керак. Энг яхши модел - бу, ўқув гуруҳнинг барчасига вазифани тушунтиришдан бошланади, сўнгра кичик гуруҳларда ишлашдан ва ниҳоят, барча ўқув гуруҳи иштирокида якун ясашдан иборат.

Иш жойини танлашга ва тайёрлашга:

Гуруҳларда ишлаш мос равишдаги шароитларни талаб қилади. Бу иш қаерда бажарилишини аниқлаб олиш керак .

Шундай аудитория танлаш лозимки, унда, бир-бирига халақит бермаган ҳолда бир неча кичик гуруҳ ишлаш имкониятига эга бўлсин. Иш жойининг ўзини тайёрлаб қўйиш ҳам назарда туриши лозим: столлар қўйидаги тартибда жойлаштирилади:

- таълим олувчилар аудиторияда эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиши керак;

- ҳар бир гуруҳ аъзолари, бир-бирини кўрадиган ва эшитадиган даражада жойлашишлари керак;

- зарур ўқув қўлланмаларга барча осон етадиган бўлиши керак;

• Вазифани танлашга ва уни ифодалашга;

• Қўйилган таълим мақсадларига мос келадиган вазифаларни танлаш керак;

• биз, шунини ҳам ёдда тутишимиз лозимки, ўқув гуруҳларининг таркиби қўйидаги турли хусусиятларга эга ўқувчилардан иборат:

- қобилияти бўйича;

- билимлари ва маҳоратининг даражаси бўйича;

- психологик хусусиятлари бўйича: бир хиллари фақат «қисток» остида ўқийдилар, бошқалари мустақил ишлашни афзал кўрадилар, айримлари - фаол, мулоқот қилишга тайёр, иккинчилари - пассив ва ўз «қобиғи» га ўралган ва ҳ.к;

- ўқиш стили ва билим олиш усули бўйича: баъзилари маърузани эшитиб, бошқалари эса китоб билан ишлаб ўқув материални яхшироқ ўзлаштириладилар ва ҳ.к.

Буни эътиборга олган ҳолда, вазифани шундай ифода қилиш керакки, у бир неча қисмларни ўз ичига олсин. Бу эса ўз навбатида ҳар бир таълим олувчига ўзининг имкониятлари ва қобилиятларини, билимлари ва маҳоратларини намоён қилиш, кучли томонларини кўрсатиш имконини беради.

- уни бажаришда гуруҳнинг барча аъзоларини иштирокини таъминлайди.

• ўқув материалларини тайёрлашга:

Агар, дарсда турли тарқатма материаллар ишлатилса, у анча қизиқарли ва самарали бўлади. Уларни тайёрлаб қўйиш ва унумли фойдаланиш керак.

Шу билан, гуруҳлар учун ёзма йўриқномалар, таълим олувчилар учун эса - индивидуал натижалар карточкаларини тайёрлаб қўйиш керак.

Таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратиш яхши самара беради яъни гуруҳларда ишлашга тайёргарлик кўриш пайтида қуйидагиларни ўйлаб қўйиш зарур.

Сони бўйича:

- 2 дан то 5 кишигача - унча катта бўлмаган вазифаларни бажариш учун;
- 5 дан то 7 кишигача - мураккаб вазифалар учун.

Гуруҳларда ишлаш қоидалари авваламбор:

Таълим олувчилар, гуруҳ аъзоларининг мажбуриятларини билишлари ва бажаришлари зарур:

- ҳар бир аъзо ўртоқлари фикрини эшитиши керак;
- ҳар бир аъзо ишда фаол қатнашиши ва ҳамкорликда ишлашдан бўйин тормаслиги керак;
- ҳар бир аъзо, зарурати бўлганда ёрдам сўраши керак;
- ҳар бир аъзо ундан ёрдам сўрашганда, бошқаларга ўз ёрдамини бериши керак;
- ҳар бир аъзо гуруҳ ишининг натижаларини баҳолашда иштирок этиши керак;
- ҳар бир аъзо ўзининг ролини яхши тушуниши ва бажариши керак.

Таълим олувчилар гуруҳларда ишлаётган пайтда, ўқитувчи кузатувчи сифатида бўлади.

Лекин бу пайтда:

Таълим олувчиларга ёрдам бериши мумкин. Шунини ёдда тутиш керакки, улар фаолиятининг янги усулини ҳамда ўқув материаллини (мазмунини) ўрганмоқдалар.

Индивидуал равишда ишлашларига, аниқ вазифани бажариш учун зарур бўлган маҳоратни шакллантиришга эътибор қилиш керак.

Таълим олувчиларга қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

- бажараётган ишлари ҳақида ахборот бериб боришни. Бунда, уларга очик саволлар бериш билан кўмаклашиш мумкин (улар, нима? ва қандай? деган саволлар билан бошланади);

- ҳодисаларни таҳлил қилишни, бунинг учун уларга қандай? Деган савол баринг;

- ўз фикрларини изҳор қилишни: ушбу усул нима учун яхши ёки ёмон?

- ўзларининг ва бошқаларнинг ишларини кузатишдан маълумотлар олишни. «Нега бу шундай деб ўйлайсан?» - таҳлил қилишни бошлаш учун яхши савол ҳисобланади;

- овозни чиқариб фикр юритишни, бошқаларни тинглашни, олинган ахборотлардан маълумотларни олишни. Уларга савол бериш билан гуруҳли баҳс юритишга жалб қилинг. Масалан, «Агар бундай бўлса-чи?», «Қандай бошқа усуллар мавжуд?», «Айримларнинг фикрича, бу ...?», «...лардан фойдаланишимиз мумкин».

Ишлаётган гуруҳларни назорат қилиш мумкин, лекин уларни бошқармаслик керак. Таълим олувчилар ўзлари учун жавобгардирлар. Агар улар хатога йўл қўйсалар ҳам, мустақил ишлашга руҳсат бериш мумкин.

Таълим олувчилар кўпроқ тажриба орттирган сари бериладиган саволларнинг характери ўзгариши кераклигига эътибор берилади. Олдин биз кўпроқ, гуруҳларда ишлаш жараёни ўзи билан шуғулланамиз, кейин эса, кўпроқ вазифаларда ўз диққатимизни мужассамлаштиришимиз мумкин. Бир хил саволларнинг ўзини, бир хил даражада, меҳнат жараёни ва билимга нисбатан ишлатишимиз мумкин.

Демак, ўқитувчи илғор педагогик технологияни дарс жараёнига татбиқ этганда:¹⁵

¹⁵Ўйдошев Ж. "Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш" -Т., 2008, 130б.

- “қандай ўқитиш керак?” деган саволга жавоб бермай, балки аҳамиятли кўшимча бўлган *“натижавий қандай ўқитиш ва ўқув жараёнини қандай қилиб энг мақбул ташкил этиш керак?”* деган саволга жавоб беради;
- *аниқ шароитлардан келиб чиққан ва маълум натижага йўналган, аниқ педагогик зояга* лойиҳаланади;
- ўз натижаларини *қайта ишлаб чиқариши* билан фарқланади;
- таълим олувчилар ва таълим берувчига йўналтирилган дарснинг услубий ишланмаларидан фарқли ўлароқ, таълим олишда уларнинг ўз фаолиятлари ҳисобига ютуқ таъминланишига йўналтирилади.
- *тажриба ўтказмайди*: у аниқ белгиланган натижа билан иш олиб боради;
- ажратилган вақт ва мавжуд шароитларда белгиланган мақсадларни амалга оширишда гумон ҳосил қилмайдиган *асосланган ўқитиш модели* гаянади.

Ваҳоланки, илғор педагогик фаолият шахсий-субъектив, ҳиссиётли хусусиятга эга бўлиб, у муаллифлик, индивидуал, ижодий, тайёргарликсиз, яъни жараёни ўзида яратиш табиатида таълим беришга асосланади, таълим берувчининг психологик-касбий хусусиятлари ҳамда таълим олувчиларни кўп қиррали шахсий хусусиятлари билан ифодаланади. Шу боис, илғор педагогик технологиясида белгиланган тартибдан четга чиқишга йўл кўйилади, биргина ва фақат шу технологияни амалга оширишда субъект томонидан эришилган таълим натижалари эса, *кечиктирилган, ўзгарувчан хусусиятга* эга бўлади.

Шундай бўлса ҳам ҳар қандай ҳолатда ҳам эришилган натижа бир оз ўртача кўрсаткичга яқин бўлади.

2.2. Таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларини жорий этиш имкониятлари ва унинг тавсифи.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичида ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунинг учун ҳам, сўнги йилларда малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнида талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи илғор педагогик технологиялари усулларидан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари усулларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ўқитувчи талабаларга тайёр ўқув материални тақдим этмайди;
- ўқув материали шундай баён этиладики, талабалар фаол билиш мустақил ўзлаштириш жараёнида янги билим ва кўникмага эга бўладилар;
- фаол ўқитишнинг негизида мустақил фикрлашга ундаш ётади.

Демак, бундай натижага эришиш амалиётда, ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларнинг усуллари қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир. Малакавий амалиётимда баъзиларини ўргандим ва дарс жараёнига тадбиқ қилдим:

Муаммоли ўқитиш усулининг моҳиятини ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса билимларни ўзлаштиришнинг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради. Педагогикада муаммоли ўқитишнинг – муаммоли савол, муаммоли вазият, муаммоли масала ва муаммоли топшириқ шакллари мавжуд.

Муаммоли савол. Юқорида таъкидланганидек, тайёр жавоблари манбааларда ёритилмаган саволлар талабалар учун муаммо туғдиради, уларни фикрлашга ундайди – ана шундай саволларни муаммоли савол деб

аташ мумкин. Улар талабаларни – тахлил, умумлаштириш, гурухлаш, таққослаш, туркумлаш каби тафаккурнинг юқори босқичларида фикрлашга ундайди. Жаҳон педагогикасида бундай саволлар Блум саволлари деб аталади. Ҳақиқатан ҳам, “Нима учун?”, “Таркибий қисмларга ажаратинг?”, “Энг муҳим хусусиятлари нима?”, “Буни сиз қандай ҳал қилган бўлардингиз?”, “Ўзаро муносабатларини аниқланг?”, “Таққосланг?” кабилар ана шундай саволлардан бўлиб ҳисобланади. Албатта, бундай саволларни шакллантиришда муайян фаннинг асосий (таянч) тушунчалари ва хусусиятларини назарда тутиш даркор.

Муаммоли вазият. Бундай вазият бирор тушунчани англаш ёки бирор хатти-ҳаракатни бажариш учун талабанинг мавжуд билимлари етарли бўлмаганда, яъни билиш ва билмаслик ўртасида номувофиқлик пайдо бўлганда содир бўлади. Дарс давомида яратиладиган муаммоли вазият машғулот мавзусига оид бўлиши билан бирга, олдин ўзлаштирилган билимларга асосланган ҳолда, унинг ечимини топиш имконияти ҳам мавжуд бўлиши зарур. Бутунлай номаълум бўлган вазият яратилса, талабаларда уни ечимини топишга қизиқиш пайдо бўлмайди (вақт бекорга сарфланади). Муаммоли вазиятни яратиш ва ҳал қилишнинг қуйидаги таркиби мавжуд:

- 1) муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва муаммони қўйиш;
- 2) вазият ечимини топиш учун тахминларни олға суриш ва илмий асосланган тахмин (гипотеза) ларни асослаш;
- 3) муаммоли вазиятни ҳал қилиш;
- 4) муаммони тўғри ҳал қилинганлигини текшириб кўриш.

Ўқув машғулотларида яратилган муаммоли вазиятлар ўқув материалига боғлиқ бўлиш билан бирга, талабаларнинг бўлажак мустақил амалий фаолиятини ҳам акс эттириш зарур. Муаммони қўйилиши ва унинг ечимини топишда талабаларнинг фаоллик коэффициенти (К) қуйидагича аниқланади.

- муаммони ўқитувчининг ўзи қўйиб, унинг ечимини ўзи эълон қилганда
К қ - 0;

- ўйинли вазият, эшиттириб фикрлаш, фаоллаштирувчи саволларда

К қ 0,25;

- диалог, мустақил иш, мунозара, атайин йўл қўйилган хатоларни тўғрилашда К қ 0,5;

- муаммо ўқитувчи томонидан қўйилиб, уни талабалар ҳал қилганда К қ 0,75;

- муаммони талабаларнинг ўзлари шакллантириб, унинг ечимини ўзлари топганда К қ 1,0

Муаммоли ўқитиш ўқитувчига қуйидаги ўзига хос дидактик талабларни кўяди: ўқув материални методик таҳлил қилиш (муаммоли савол, вазият, масала ва топшириқларни шакллантириш, уларнинг ечиш усуллари ва тўғри жавоблар вариантларини тайёрлаш). Шу билан бирга, муаммоли таълимни ўқув жараёнига жорий этилиши таълим сифатининг асосий кўрсаткичи - талабаларнинг критик фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Муаммоли ўқитишни тайёрлашда қуйидаги белгилардан фодаланиш тавсия этилади:

МС муаммоли савол. **МТ** муаммоли топшириқ.

МВ - муаммоли вазият. **ММ** - муаммоли масала.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўқитиш жараёни фақат «муаммоли» ёки «номуаммоли» методлар ёрдамидагина амалга ошмайди, балки унинг самарали бориши учун хилма хил методларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи машғулотнинг мақсади, ўқув материалларининг мазмунини тўплаш, аудиторияда қатнашган талабаларнинг характери, уларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда уларни тинглаш ҳамда бирини иккинчиси билан боғлашни амалга оширади. Шундагина ўқув жараёнининг юқори самарадорлиги таъминланади.

Талабаларни мустақил-ижодий фикрлашдек, маънавий бойликнинг эгаси қилиб тайёрлаш. таълим тизимининг асосий вазифаларидан бирини ташкил қилади. Чунки, яна такроран қайд қилиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойдали бўлади-ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиш қобилиятига эга бўлади. Талабаларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар таълим тизимида самарали қўлланаётган кейслардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кейс - ишлаб чиқаришда содир бўладиган, аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Кейслар ўз мазмунига қараб-микрокейс, миникейс ва умумий кейсларга, мақсади бўйича тактик ва стратегик кейслар каби турларга бўлинади. (5-жадвалга қаранг) Бундан ташқари, классик (Гарвард) кейслари, мазмуни ҳақиқий ахборотдан биров четлаштирилган, ҳақиқий ахборотдан сезиларли даражада четлаштирилган кейс турлари мавжуд.¹⁶

Кейслардан фойдаланиш - биринчидан, талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, иккинчидан эса. ўқув жараёнини бевосита ишлаб чиқариш (Касб таълими йўналишида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими жараёни) билан боғлайди. Гербарт Спенсер таъкидлаганидек: “Таълимнинг буюк мақсади билим бериш эмас, балки ҳатти- ҳаракатларга ўргатишдир”. Гарвард (АҚШ) университети молиявий менежмент мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган магистрантлар ўқиш даврида, банкларда содир бўлиши мумкин бўлган 2,5 мингта кейсга жавоб топгандан сўнггина, магистрлик диплом олиш ҳуқуқига эга бўлиши фикримизнинг далилидир.

Кейс манбалари бирламчи ва иккиламчи манбалардан иборат бўлиши мумкин. бирламчи манбалар - ижтимоий ҳаёт, таълим - тарбия жараёни, фан ва ишлаб чиқаришдан иборат. Иккиламчи манбаларни эса, бадий ва публицистик адабиётлар, маҳаллий материаллар, статистик маълумотлар, илмий мақола, монография ва илмий ҳисоботлар ҳамда интернет тармоғидан

¹⁶Ишматов Қ,Педагогик технология.Ўқув қўлланма. Наманган. НамМПИ. 2004.-95 б


олинган материаллар ташкил қилади. Кейслар таълим жараёнида ўқитувчи (ўргатувчи), тарбияловчи, ташкилотчилик ва изланувчанлик функцияларини бажаради. Кейслардан таълим жараёнида фойдаланиш талабалар шахсида қуйидаги профессионал-педагогик зарурий сифатларни шакллантиради:

- критик (мустақил, ижодий) фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;
- ҳаққоний (объектив) бўлишга ўргатади;
- назария ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни шакллантиради;
- муаммоли вазиятни янгича шакллантиришга ёрдам беради;
- вазиятларни ҳал этишда, унга таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг таъсирини эътиборга олишга имкон беради;
- бошқалар фикрини ҳам қабул қила олиш малакасини шакллантиради;
- савол бериш маданиятини ўргатади;
- қабул қилинган қарор учун масъуллик ҳиссини тарбиялайди.

Кейслардан фойдаланадиган ўқитувчи фаолиятини икки фазага бўлиб тасаввур қилиш мумкин: биринчи фаза - кейсларни тузиш ва уларни таҳлил қилишга оид саволлар тузиш. Бу унинг дарсдан ташқари ижодий-методик, илмий-тадқиқот ва конструкциялаш фаолиятини ҳамда кейсларни ҳал қилиш ва талабаларнинг мустақил ишларига оид методик материалларни яратишни қамраб олади; иккинчи фаза –ўқитувчининг дарсидаги фаолиятидан иборат бўлиб, у талабалар олдида кириш ва яқунлочи нутқ сўзлаш, микрогуруҳларни ва улар ўртасидаги мунозарани ташкил қилиш, ишчан кайфият яратиш кейсларни ҳал қилишда фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиришда ўз ифодасини топади.

5-жадвал

Кейслар ҳақида тўлақон маълумотни қуйидаги кластер ёрдамида ифодалаш мумкин



Илмий тадқиқотлар ва амалий кузатишлар фанларни ўқитишда кейсларни ечиш, талабаларнинг фаоллигини оширибгина қолмасдан, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ҳамда уларни бўлажак мустақил касбий фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Булар эса, бозор иқтисоди шароитида таълим самарадорлигини оширувчи асосий омиллар эканлигини таъкидлаш жойиздир.

Концептуал жадвал. Бу усул уч ёки ундан кўп жиҳат ёки кўрсаткичларни таққослашда жуда яхши самара беради. Жадвал куйидагича тузилади: горизонтал бўйича таққосланадиган тушунчалар, вертикал бўйича эса, уларнинг таққосланадиган турли жиҳат ва хоссалари жойлаштирилади. Касбларни психологик туркумланиши мавзусига оид концептуал жадвални (б-жадвалга қаранг) куйидагича тасвирлаш мумкин.¹⁷

Концептуал жадвал ўзлаштириладиган ўқув материалнинг анча қисмини ихчам шаклда ифодалайди. Бундай жадвал машғулотнинг методик таъминотини янада бойитади. Муайян матн бўйича концептуал жадвалларни микрогуруҳларда Ақлий ҳужумдан фойдаланиб тузиш ва уларни гуруҳ бўйича муҳокама қилиб, энг мақбул вариантини қабул қилиш амалий машғулотларнинг “англаш” фазасида яхши натижа бериши мумкин.

б- жадвал

Шахс типи ва касб фаолиятидаги муҳит ўртасидаги боғланиши.

Касбий муҳит Шахс типи	Р	И	С	К	Т	Б
Реалистик(Р)	++	+	- -	+	-	-
Интеллектуал(И)	+	++	-	+	- -	+
Социал(С)	- -	-	++	-	+	+
Конвекцион(К)	+	-	-	++	+	- -
Тадбиркор(Т)	-	- -	+	-	++	-
Бадий(Б)	-	+	+	+	-	+

Эслатма: (++)- шахс типидатроф-муҳитгажудаяхшимослашади.

(+)- шахс типидатроф-муҳитга яхши мослашади.

(- -)- шахс типидатроф-муҳитга умуман мослаша олмайди.

(-)- шахс типидатроф-муҳитга етарли даражада мосланади.

Концептуал жадвал ёрдамида бир неча касб ёки мутахассисликларни таққослаш ҳам мумкин. Дарс давомида ўтказиладиган мунозара давомида

¹⁷Фарберман Б.Л. Мусина Р.Г. ва бошқ. Олий ўқув юртлирида ўқитишнинг замонавий усуллари.Тошкент. 2002- 192 б.

Ўқувчиларга концептуал жадвал тузиш топшириғини бериш тавсия этилади. Бундай жадвал тузишни уйга вазифа бериш эса, талабаларнинг мустақил билиш фаолиятини янада самарали бўлишини таъминлайди.

Т- схема. Бу интерфаол усул қиёсий катталиклар (“Ҳа”/ “Йўқ” ёки “Розиман”/ “Қаршиман”) нинг универсал ташкилотчиси бўлиб, бир-биридан кескин фарқ қилувчи ёки қарама-қарши, баъзан турлича мезонлар билан фарқ қилувчи фикрларни кўргазмали ва ихчам тарзда тасвирлашга қулайлик яратади.¹⁸

“Илғор педагогик технология усулларида фойдаланиб ўқитишга муносабат” мавзусига оид Т- схемани қуйидагича тасвирлаш мумкин.

(7-жадвалга қаранг)

7-жадвал

“ Илғор педагогик технология усулларида ўқитишга муносабатим”

Розиман (“Ҳа”)	Қаршиман (“Йўқ”)
<ul style="list-style-type: none"> • талабаларнинг фикрлаш қобилияти ривожланади; • ахборот мунозаралар орқали ўзлаштирилади; • талабалар фаоллашади; 	<ul style="list-style-type: none"> • ўқитувчининг мавқеи пасаяди; • ўқитувчилар ва талабалар бунга тайёр эмас; • халқ педагогикаси эътиборга олинмаган;

Ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методларидан биттаси бу- “Дельфи методи ”.

Дельфи методи – тавсия этилган сериядаги муқобиллардан энг яхшисини танлаб олишга ёрдам беради.¹⁹

Гуруҳ аъзоларидан ҳар бир муқобилга муайян изчилликда баҳо бериш талаб қилинади. Тадбирни ўтказиш тартиби қуйидагича. Масалан, статистик методлар орқали 5та камчилик (дефект) сабаблари аниқланган. Қайси бири муҳим камчилик? Муҳокама иштирокчилари муаммони аввало муҳимлик

¹⁸Ишматов Қ. Таҳлил, синтез, баҳолаш педагогикани замонавийлаштиради. / Маърифат. 2004.

¹⁹Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). –Т.: Молия .2003.-172 б.

даражасига кўра саралаб чиқадилар. Ўзлари учун муҳим ҳисобланган муқобилни биринчи ўринга, иккинчи даражаларини бешинчи ўринга кўядилар. Шундан сўнг ҳар бир муқобилга ҳар бир иштирокчи камчиликларнинг сабабларига тўхталган ҳолда 10 баллик тизим асосида баҳо кўйиб чиқади. Бунда энг юқори балл сифатида 1 ва энг пастки 10 балл этиб белгиланади. Учинчи босқичда муқобилларнинг ҳар бири ўзаро кўпайтирилади ва ҳосила рақам топилади. Энг кам рақам тезликда ва биринчи навбатда бартараф қилинадиган сабабни билдиради. Ҳисоблашни осонлаштириш учун махсус жадвал (8) ясалиши мумкин.

8-жадвал

Муқобилларни баҳолаш

М.Қ	Муқобиллар														
	1			2			3			4			5		
	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ
А	4	7	28	3	4	12	1	1	1	2	3	6	5	10	50
Б	5	2	10	3	6	18	2	7	14	1	10	10	4	4	16
В	2	8	16	1	1	1	4	3	12	3	4	12	5	2	10
Г	5	1 0	50	4	5	20	3	4	12	2	3	6	1	1	1
Ҳосила			104			51			39			34			77

Изоҳ: Т- тоифа баҳоси (1 дан 5 гача)

Б- балл бўйича баҳо (1 дан 10 гача)

Ҳ- ҳосила (яъни Т+Б)

МҚ- муҳокама қатнашчилари

Кубик. Бу усул кўрилатган масалани турли томондан, кадамба-кадам, осондан қийинга томон йўналишда тасаввур этиш имкониятини беради.²⁰

Кубикнинг ҳар бир томони муайян топшириқни ифодалайди:

- бу нима? Кўраётган нарсани ранги, ўлчамлари, шаклини тасаввур этинг, эсланг ва ёзма равишда таърифланг?

- таққосланг: У нимага ўхшайди, нимадан фарқ қилади?

²⁰Гарратт Т. Эффективный тренинг с помощью НЛП.-СПб.: Питер, 2002. - 256 с.

- ассоциация. Таъсуротингизни изоҳланг? У сизни нима тўғрисида ўйлашга мажбур қилди? Ҳаёлингизга нима келди?

- таҳлил қилинг. Бу нимадан ва қандай ясалган? Нималардан ташкил топган? Нимага ўхшайди ёки нимадан фарқ қилади?

- қўлланг: Бу нимага ярайди? Уни қаерда қўллаш мумкин?

Демак, илғор педагогик технологияларининг моҳияти - ўқитувчи ҳамда ўқувчининг биргаликдаги фаолияти мазмунида акс этади, мазкур жараёнда педагог ўқитувчига юзага келган қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг асосий моҳияти педагогик жараённинг тавсифи, унинг маълум мақсадга йўналтирилганлиги, шунингдек, шахсни шакллантириш ва тарбиялаш борасида ҳал этиладиган вазифалар билан ифодаланади.

Илғор педагогик технологиялари ёрдамида талабаларнинг фаоллигини ошириш учун касб-ҳунар коллежўқитувчилари, биринчи ўринда, таълимни ташкиллаштириш шаклларига катта аҳамият бериши керак, деб ўйлайман.

III-Боб. Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларни самарали усуллари ва имкониятлари.

3.1. КХКларини таълим жараёнига “Кластер” технологияларини тадбиқ этиш услубияти ва амалиёти.

Ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши, уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида илғор педагогиктехнологияларни қўллашни тақозо этади.

Тадқиқот ишимнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, битирув олди амалиётимни Самарқанд иқтисодиёт коллежида ўтказдим. Битирув олди амалиётида дарсларни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этишга ҳаракат қилдим. Тажрибалар коллежнинг БХ-44 гуруҳида ўтказилди. Тадқиқотда 27 нафар талабалар, 5 нафар коллеж ўқитувчилари, 3 нафар коллеж раҳбарлари (директор ўринбосарлари) қатнашдилар.

Тажрибанинг биринчи босқичи, илғор педагогиктехнологияларданфойдаланиб “Иқтисодий билим асослари” фанидан “Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати.” мавзусида дарс ўтиш орқали амалга оширилди.

Дарсни “Кластер” ва “Блиц-суров” усулларида фойдаланиб ташкил қилдим. (Кўйида жуфтлик дарс ўтиш услубияти батафсил ёритиб берилади).

Ушбу мавзунини яхлит кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун мен дарснинг технологик картасини тузиб олдим .

Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

Вақти-2соат	Талабалар сони: 25-30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Семинар-мунозара.
Семинар машғулотининг режаси	<p>1. Талаб тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва қонуни. Талаб ҳажми гатаъ сирқилувчи омиллар.</p> <p>2. Таклиф тушунчаси, унинг эгри чизиғи ва қонуни. Таклиф ҳажми гатаъ сирқилувчи омиллар.</p> <p>3. Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари.</p> <p>4. Талаб ва таклифнинг мос келиши. Бозор мувозана</p>
Ўқув машғулотининг мақсади: талаб ва таклиф тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш, ўқув	
Педагогик квази-фаолиятлар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
<p>- мавзубўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;</p> <p>- билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилнинг тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш;</p> <p>- ўз фикрini шакллантириш ва билдириш</p>	<p>Талаба:</p> <p>- талаб ва таклиф тушунчаларига таъриф беради;</p> <p>- талаб ва таклифга таъсир қилувчи омилларни санаб беради ва тушунтиради;</p> <p>- талаб ва таклиф қонунининг мазмунини ёритади;</p> <p>- истеъмолчи хатти-ҳаракати назариясини тавсифлайди.</p>
Ўқитиш усуллари	«Кластер», «Блиц-сўров» технологиялари
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қоғоз ва рақлари.
Ўқитиш шакллари	Индивидуалл, фронтал, гуруҳлар, жуфтликларда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

2- илова

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талаба
1- босқич. Кириш	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижа сивауни ўқитиш режасини айтилади.	1.1. Диққат билан тинглайдилар ва ёзиб

2- босқич. Билимларни фаоллаштир иш (10мин.)	2.1.Мавзу бўйичаасосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосида«Кластер»ўтказади(1-илова) Гуруҳлардаишлашқоидалариниэсла	2.1.Иқтисодийтушунчал арга тарифберадилар.
--	---	---

3 - б о с қ и ч . А с о с и й (3.1.Талабаларни4тагуруҳларгаажратади, «Блиц-суров» технологияси ўтказади «Блиц-суров» технологиясини ўтказишучун саволларвавазифаларни тарқатади(3- илова). Вазифанибажаришда қўшимча материалларданфойдаланишмумкинлиги ни таъкидлайди. 3.2.Гуруҳларни ўзаробаҳолашниташкил этади.Натижаларни баҳолашварақларини тарқатади(4- илова). 3.3.Гуруҳлардаишбошлаганлигиниэълон қилади,маслаҳатларберади. 3.4.Презентацияларни тақдимэтишларини таклиф қилади	3.1. Ўқуввазифасиоладиларват анишибчиқадилар. 3.2.Вазифани бажарадилар, тақдимотварақларини расмийлаштиради. 3.3.Бошқагуруҳлар учун саволлар тайёрлайди. Мунозарада иштирок этади. Ёзиболади.
4 - б о с қ и	4.1. Ишга яқун ясайди умуий хулосларқиладиталабаларнибаҳолайди. 4.2.Мустақилишучунвазифаберади:нон маҳсулотларига бўлганталабватаклифни графиктарздаифодаланг. Келгусимавзуни Инноватсионийишқоидалариниэсла	4.1. Тинглайдилар, вазифани ёзиболадилар.

Ишларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳарбирталаба кўрсаткич ва мезонлар бўйича баллийиғади. 0,1 балдан тўғри жавоби учун (максимал 3 балл)

Гуруҳ	1-топширик		2-топширик		Жавобни лўндалиг	Умумий
	Жавобни нг	Асосланганли ги	Кўргазмалил ик	Асосланганл ик		
1						
2						
3						

Технологик харитада кўрсатилгандек дарс 4 босқичда ўтди. Муаммоли семинарнинг биринчи босқичи ташкилий қисм ва ўтган мавзуни мустаҳкамлашдан иборат эди. Ташкилий қисмни (талабалар билан саломлашиш, аудиторияни тозалигини кўздан кечириш ва талабарни йўқлама қилиш)дан бошладим ва унга 5 дақиқа ажратдим.

Гуруҳни 2 кичик гуруҳга бўлдим ва ҳар бир гуруҳ вакиллари “Кластер” жадвалини тўлдириб бериши кераклигини айтдим ва “Талаб ва таклиф” ибораларини эшитганингизда қандай фикр билдирасиз? деб талабаларга мурожаат қилдим.

“Кластер” методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Талабаларни **“Кластер”ни ўтказиш тартиби билан таништирдим:**

“Тармоқлар” методи (Кластер)

Фикрларнинг тармоқланиши- бу стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга таалукли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Кластер тузишни

мавзуни мукаммал ўрганмасдан туриб қўллаган маъқул. Кластер муҳокама қилинаётган тушунча, мавзуга сўз ёки жумлага таалуқли сифатлар маълум йўналиши бўйича гуруҳланади.

Кластер тузиш кетма-кетлиги:

1. Синф доскаси ёки қоғоз варағига муҳокама қилинадиган мавзудаги асосий тушунча, “калит” сўз ёки гап ёзинг.

2. Сизнинг фикрингизча шу мавзуга, тушунча “калит” сўзга тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзинг.

3. Ёзилган тушунча, ғоялар ўртасида бир-бирига мос боғланишни ўрнатинг.

4. Имконингиз борича турли вариант, ғоя, фикрларни кўпроқ ёзишга ҳаракат қилинг. Эсланганингизни барчасини ёзинг.

Кластер тузишнинг асосий қоидалари:

1. Ҳаёлингизга келган барча фикрларни ёзинг. Бу фикрларнинг маъносини ўйманг, муҳокама қилманг, шунчаки ёзиб олаверинг.


2. Имло ва бошқа ҳатоларга парво қилманг. Улар ёзишни кечиктиради.

3. Сизга берилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агар фикр келиши тўхтаб қолса, у ҳолда янги фикр, ҳоя, келгунча қоғозга сўзлар ўртасидаги боғланишни чизиб ўтиринг.


4. Имкони борича кўпроқ алоқадорликни топинг. Боғланиш мумкин бўлган ғояларни, уларнинг оқими ва улар ўртасидаги боғланишни чеклаб қўйманг.

Кластер маълум тушунча ёки ҳодиса ҳақидаги фикрларни кенгайтириш, турлича ёндашиб, муҳокама қилиш воситаси ҳисобланади. Масалан, иқтисодиётда энг кўп қўлланиладиган, дуч келинадиган, ҳамманинг манфатига тегишли категория-нарх. Нарх тушунчаси асосида кластер тузиш лозим бўлса, бунинг учун ҳаёлимизга келган барча сўз, тушунча, ғояларни ёзиб чиқамиз. (5-бчизма). Улар қўйидагича бўлсин:

Кластер тузиш бўйича мисол



3- чизма. “Талаб” тушунчаси асосидаги “Кластер”



Дарсинг учинчи босқичи “Блиц-суров” технологияси ёрдамида олиб борилди.

Талабаларни “Блиц-суров” технологиясини ўтказиш тартиби: талабаларни 4 гуруҳга бўлдим, ҳар бир гуруҳга 2 тадан савол берилди (5 дақиқа вақт берилди). Қайси гуруҳ вакиллари тайёр бўлса ўша гуруҳ жавоб беришни бошлайди. Агарда жавоб тўлиқ бўлмаса ёки нотўғри бўлса бошқа гуруҳ вакиллари жавоб бериши мумкин. Экспертлар ҳар бир жавобни назорат қилди ва рейтинг тизими асосида баҳолади.

1-гуруҳ учун саволлар:

А) Талаб қонунини тушунтиринг. Талабга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?

Б). Таклиф қонунини тушунтиринг. Таклифга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?

2-гуруҳ учун саволлар:

А)Энгель қонунининг моҳиятини тушунтириб беринг.

Б)Истеъмолчи ҳатти-ҳаракати назариясининг асосида нималар ётади? Бу назариянинг асосий қонун-қоидаларини изоҳланг.

3-гуруҳ учун саволлар:

А). Истеъмолчининг афзал кўриши нима? У истеъмолчи танловига қандай таъсир кўрсатади?

Б).

Ялпи(умумий)нафлиликвасўнгниқўшилганнафлиликтушунчалариўртасид ақандай боғлиқликмавжуд?

4-гуруҳ учун саволлар:

А). Бефарқлик эгри чизиғи нимани ифодалайди? Бефарқлик картаси-чи? Уларнинг истеъмолчи ҳатти-ҳаракатини тушунтиришдаги аҳамиятини изоҳланг.

Б). Истеъмолчи бюджети чизиғига нарх ва даромаддаги ўзгаришлар қандай таъсир

кўрсатади?

Кичик гуруҳларнинг барча аъзолари фаол қатнашди.

Дарсинг якунида ҳар бир талаба 3та босқич бўйича рейтинг тизими асосида олган баҳоларини эълон қилдим.

Хулоса қилиб айтганда замонавий, иқтисодий таълим дунёқарашни шакллантириш баъзи яхши тадбирларни онда-сонда ўтказиш билан шаклланмайди. Бунинг учун коллежда қатор бир-бирини тўлдирадиган иқтисодий тадбирларни ташкиллаштириш лозим. Айрим яхши қоидаларни талабаларга қайта-қайта такрорлаш, уларни муҳокама қилиш, баҳслашиш керак. Ўтказилган иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнига замонавий таълим технологиясини татбиқ этиш дарслари уларни эшитганлари, кўрганларидан ташқари, талабаларни илҳомлантириши ҳам лозим. Шу мақсад йўлида узлуксиз фаолиятгина замонавий таълим дунёқарашни шакллантиради. Ўқувчиларда комил инсон бўлиш орзусини мужассамлантиради.

3.2. Самарқанд иқтисодийёт коллежида иқтисодий фанларни ўқитишда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили ва натижалари.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, талабалар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Илғор педагогик технологиялар жараёни анъанавий (доска ёнидаги) ўқитишдан фарқли ўлароқ бир қанча методологик қирралар устунлигига эга. Бу аввалом бор, иштирокчиларнинг ўйин қоидаларини ишлаб чиқувчи ўқитувчи ва бир - бири билан фаол, эмоционал тусдаги муносабатларига асосланади.

Ўқитувчининг илғор педагогик технологияларжараёнида ишнинг самараси бир қанча шартларга боғлиқ :

Биринчи - ўқувчи имкониятларининг берилган технологик (ўйин, тренинг, машқ) мақсад ва вазифаларига мутоносиблиги. Танланган технологиянинг мақсадига қараб муаллим у ёки бу вазифани бажаради ташкилотчи-сардор, коммуникатор ёки келишмовчиликларни бартараф қилувчи, фасилитатор.

Иккинчи - гуруҳ иштирокидаги ўзаро муносабатларни ҳал этишдаги ўқитувчининг профессионал тажрибаси. Бунинг учун у диалог ҳамда мультитолог, яъни туркумлашган диалог санъатини эгалаган бўлиши зарур. Диалог кўринишидаги мулоқот психологияда аҳамиятли ҳисобланади, чунки анъанавий "субъект-объект" муносабадида зид равишда "субъект-субъект" муносабатларини ифодалайди.

Диалог доимо ҳар - ҳил фикрлар ва уларни кўринишларини, шунингдек, барча интерактив ўзаро алоқа катнашчиларининг қўйилган муаммони

биргаликда муҳокама килишини ва ечимни топишни назарда тутади. Қатнашчиларнинг фаоллиги ўқувчиларнинг шахсиятига эмас, балки ўзаро мулоқатга, қўйилган вазифага йўналтирилади. Диалогдагина қатнашчилар қўйилган масалага турли нуқтаи-назарлар орқали ёндашиш билан бир бирини ўзаро бойитишади. Муаллим ва ўқувчиларнинг муносабатларидаги тенг ҳуқуқлик, ақс алоқа (жойида ва айна вақтда) нинг амалга ошириши, катта ёшдаги ўқувчилар интилишларининг рўёбга чиқариб, муаммонинг ягона изохини талаб этадиган умумий коммуникатив ва маъно майдонини яратади. Замонавий муоммолар тартиблиги туфайли уларни тушунишда система маъносини берадиган тил зарур.

Коллеж ўқитувчилари эса “Талаб ва таклиф ” мавзуси буйича муаммоли семинар машғулотида қуйидаги фикрларни билдирди:

Мазкур дарснинг афзалликлари:

1. Қисқа вақт ичида кенг хажмдаги маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилганлиги кўринди.
2. Дарсда ҳар бир талабага индивидуал ёндашилди ва ҳар бир талаба индивидуал баҳоланди.
3. Дарс жараёнида ахборот ва педагогик технологияларидан фойдаланилди.
4. Дарс давомида барча талабалар ўзаро, фаол қатнашди ва ўзаро муносабатда бўлишди.

Камчиликлари:

1. Дарсда баҳс-мунозара мобайнида шовқин юзага келди.
2. Тажриба етмаганлиги сабаб вақтни тақсимлашда муаммолар бўлди.

Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштириб, ягона бир хулосага келамиз:

Анъанавий таълимдаги ўқитувчининг тўла назорати – барча талабалар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмас экан, натижада талабаларнинг машғулотдаги пассивлигига ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасини пасайишига олиб келар экан.

Иқтисодий таълимда илғор педагогик технологияларни қўлаган ҳолда эса- талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш талабаларни кенг доирада турли ғояларни бера олиши, ўзини эркин тўтиши, мустақил фикрларини бемалол айтиши, таълим жараёнида яққа, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб хулоса чиқара олиши мантиқий фикрлашига имконият яратар экан.

Самарқанд иқтисодиёт коллежида ўқитувчилар дарсга тайёргарлик кўриш чоғида конспект ёзиб, конспекдан фойдаланар экан. Менинг назаримда, бу усул бир мунча эскириб қолган бўлса керак, конспект ўрнига технологик картадан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ҳозирги замонавий таълимда қисқа, тушунарли мақсад ва мазмундан фойдаланиб, кам вақт сарф қилиб юқори натижага эришиш - бу давр талаби!

Ҳар бир замонавий педагог ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ўқитишнинг техник воситаларини, энг асосийси, талабанинг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак. Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки дарснинг технологик картаси ҳар бир мавзу, ҳар-бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади ва унинг мақсадли натижасига эришишга кўмаклашади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, интерфаол усуллар орқали талабалар ўзлари эгаллаётган билимларни ўзлари излаб топадилар, ўзлари мустақил фикрлайдилар ҳаттоки қарор ёки хулосани ҳам ўзлари чиқарадилар. Ўқитувчи эса фаолиятни бошқариб, кузатиб, йўналтириб боради. Зеро, Ўзбекистон Президентининг фикрига кўра: Касб-

хунар коллежлари ва академик лицейлар учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаў тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштири керак.

Демак, иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида илғор педагогик технологияларни қўлланилишига таъсир этувчи омиллар таҳлили тадқиқот босқичида аниқланди. Коллежда тажрибали педагоглар дарсларини кўзатиш натижасида қўйидагини аниқладим: тажрибали педагоглар усталик билан интерфаол усулларни тадбиқ қилишди, талабалар катта қизиқиш билан дарсга қатнашди. Аммо кўзатган дарсларни ҳаммаси ҳам замонавий талабга жавоб бермайди. Демак, дарсни самарали ўтиш учун нималарга эътибор бериш керак, дарс жараёнига интерфаол усулларни тадбиқ қилишда қандай омиллар таъсир қилиши мумкин?

Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол усулларни қўлланилишига таъсир этувчи **биринчи омил**: Замонавий педагог ўтадиган фани бўйича чуқур билимга эга бўлиши керак. Чунки педагог ўтадиган фани бўйича тўлиқ академик билимга эга бўлсагина таълим жараёнига интерфаол усулларни самарали тадбиқ қилиши мумкин.

Иккинчи омил: бугунги педагог, технологияларни лойиҳалаштириш сирларини мукамал ўрганиши керак. Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ қилишда вақт масаласига катта эътибор қаратиш, дарс жараёнини босқичма-босқич режалаштириш керак бўлади.

Учинчи омил: Самарқанд банк коллежида моддий таъминот базасини яратиш даражаси 75% ташкил қилади. Масалан “Иқтисод” кафедрасида битта “вижен” аппарати бор, аммо кафедрада 15 дан ортиқ ўқитувчилар фаолият юритмоқда. Бу эса замонавий дарсни ташкил қилишда муаммо пайдо бўлади. Демак, иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол усулларни самарали қўлланилишига компьютерлаштирилган синфхоналарни ташкил қилиш керак.

Туртинчи омил: Коллеждаги айрим мутахассис-кадрлар ахборот технологияларини мукамал билмагани учун дарсларни анъанавий тарзда ўтиб келади. Замонавий педагог ахборот технологияларини тўлиқ ўзлаштириши шарт, деб уйлайман.

Шу мақсадда ўқитувчилар олдида янги муаммоларни ечиш, излаш вазифаси пайдо бўлади:

- 1) Талабаларда билим олиш маъсулиятини шакллантириш.
- 2) Талабаларда мустақил кўникма ва малакаларини шакллантириш.
- 3) Дарс жараёнида талабанинг фаоллигига эътибор бериш ва эришиш.
- 4) Ўқитувчи фаол дарслар ўрнига талаба фаол дарсларга ўтиш.
- 5) Аълочи талаба ўрнига рейтинги баланд талаба меъёрларини яратиш.
- 6) Ўқитувчи махоратига боғлиқ бўлмаган холда юқори билим олишга эришиш.
- 7) Олдиндан лойихалаштирилган билим кўникма ва малакаларга эга бўлиш педагогик тизимни яратиш ва бошқалар.

3.3. КХКларида замонавий педагогик технологияларни жорий этишда хавфсизликни таъминлаш муаммолари.

Битирув олди малакавий амалиёт ўтаган чоғимда меҳнат хавфсизлигига риоя қилдим. Биринчи ўринда санитария-гигиеник қоидаларга риоя қилишга ҳаракат қилдим: яъни аудиторияни шамоллатиб, навбатчи талабалар билан биргаликда - жихозларни устидаги чангларни артиб, чанг қолмаганлигини назорат қилдим. Аудитория чангининг ўқитувчи ва талабалар саломатлигига зарарли таъсири кўп омилларга боғлиқ бўлади.

Масалан, ташқи ҳарорат кўтарилганда ёки киши ақлий меҳнат билан шуғулланганда тез-тез нафас олиш натижасида организмга чанг кириш натижаси ошади. Бир вақтда чанг таркибида радиоактив аэрозолларнинг бўлиши ва ҳаводаги бошқа газлар таъсири чангнинг организмга зарарли таъсирини кучайтиради.

Ташкилотларда ва барча таълим муассасаларида ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига амал қилиш¹, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Масалан иқтисодчи-педагог асосан тушунтириш ишларини оғзаки баён этади, мана шундай жараёнда чанг оғиз орқали организмга киради ва ўқитувчининг касбий касаллигига учраши мумкин.

¹Курбонов Ж.М. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” услубий кўрсатма. Самарқанд, 2014/й.

Чанг ажралишнинг гигиеник таъсиридан ташқари яна бошқа салбий томонлари бор: у технологик жихозларнинг емирилишини тезлаштиради, қимматбаҳо материалларни ишдан чиқариб, иқтисодий зарар етказади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш муҳитининг умум санитария ҳолатини ёмонлаштиради, жумладан, дераза ва ёритувчи асбобларни ифлослантириши оқибатида ёруғликни камайтиради. Чангнинг баъзи турлари, масалан кўмир, ёғоч чанглари ёнғин ва портлашнинг юзага келишига шароит яратади.

Иккинчи ўринда ҳар бир педагог интерфаол дарсини ахборот технология ёрдамида ўтмоқчи бўлади, шунда барча техник воситаларни хавфсизлигини текшириб чиқиш кераклигини эсдан чиқармаслиги керак. Хаттоки оддий электр носозлиги бўлса ҳам аудиториядаги шахсларнинг шикастланишлари жиддий бўлиши мумкин. Электр ускуналарнинг носозлиги ёки уларни ишлатиш қоида-талабларига амал қилмаслик, одамнинг шикастланишига олиб келади. Электр токи одам танасига термик, электролитик ва биологик хилда таъсир этиши мумкин. Натижада одамнинг нафас олишида, юрак фаолиятида, моддалар алмашувида, қон таркибида ва бошқа аъзоларида ўзгариш бўлиши мумкин.

Электрдан шикастланиш электрик куйишга, терининг металланишига, электр белгиларига, электроофтальмияга, механик таъсирга олиб келиши мумкин.

Меҳнат муҳофазасининг учинчи уриндаги шикастланиш бу заҳарли моддалар ва улардан эҳтиёт бўлиш. Заҳарли моддалар одам танасига нафас олиш йўли ёки тери орқали, овқат ейиш вақтида, ифлосланган сувни истеъмол қилинганда ўтади ва сақланувчи заҳарланишга олиб келади.

Тўртинчи ўринда- шовқин ва титраш бўлади. Одам учун ёқимсиз ҳар қандай товушлар шовқин деб аталади. Амалиёт вақтида интерфаол усуллар асосида дарсларни ташкил этдим ва, албатта аудиторияда шовқин содир бўлар эди, бу эса ўқитувчини ҳам, талабаларни ҳам организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки ҳар бир талаба ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилар эди (гуруҳда 27 нафар талаба). Бундан чиқадики, ҳар бир мутахассис

Ўзининг фаолиятига тайёр бўлиши; яъни ўз-ўзини психологик нуқтаи назардан тайёрлаши керак бўлади.

Халқаро тажриба изланишларнинг кўрсатишича асосан ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг 60-90%и зарар кўрган кишиларнинг меҳнатини муҳофаза қилишда психологик билимларни татбиқ қилишни ифодалайди. Бу ерда меҳнат фаолияти жараёнида кўринадиган психологик ҳолатлар турлари тўлиқ текширилади, психологик жараёнлар, психик хусусиятлар кўриб чиқилади.

Инсоннинг психик фаолиятида икки асосий гуруҳ: психик жараёнлар ва психик ҳолатлар фарқланади.

Психик жараёнлар психик фаолиятнинг асосини ташкил қилади. Бусиз билимларни жамлаш, ҳаётий тажрибага эга бўлиш мумкин эмас.

Меҳнат психологияси вазифалари ва хавфсизлик муаммоларидан келиб чиқиб ҳолатларни ишлаб чиқариш ва махсус психик ҳолатларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишлаб чиқаришдаги шикастланиш, бахтсиз ходисаларни олдини олиш чораларини ташкил этишда муҳим ўрин тутаетди. Инсоннинг қобилияти, самарали меҳнат фаолияти унинг психик(руҳий) кучланиши даражасига боғлиқ. Психик кучланиш инсоннинг меҳнатига маълум даража- чегарагача ижобий таъсир этади. Фаолликни критик нуқтадан юқорига кўтариш иш қобилиятини юқотишгача олиб келиши мумкин.

Ўқитувчи учун нормал шароитдаги ҳис-туйғу ва меҳнат қилиши учун руҳий кучланиш даражаси 40-60% дан ошмаслиги кўзда тутилади, акс ҳолда бу унинг иш қобилиятининг пасайишига олиб келади.

Психик кучланишнинг чегарадан юқори даражасида инсоннинг шахсий хусусиятлари пасаяди, ҳаракат координати ўзгаради, хулқи самарасиз ҳолатга ўтади ёки ҳаёт фаолиятида бошқа салбий ўзгаришлар намоён бўлади. Чегарадан юқори психик кучланишни хусусиятига қараб уни тўхталувчи ва кўзғатувчи турларга ажратиш мумкин.

Психик кучланишнинг тўхталувчи инсон ҳаракатининг пасайишига ва чекланишига олиб келиши билан ифодаланади. Касб эгаси вазифани аввалгидек

шижоат билан бажаришга қодир бўлмайди, жавоб бериш хусусияти ва тезлиги пасаяди. Бунинг натижасида хотиралаш, фикрлаш жараёни секинлашади, ёмонлашади ва шу каби бошқа салбий омиллар кузатилади.

Қўзғатувчи хилида эса инсонда фаолликнинг пасайиши, кўп гапириш (сергаплик), овознинг титраши кузатилади. Натижада, яъни психик кучланишнинг юқори шаклида педагог-иқтисодчи мураккаб шароитларда нотўғри ҳаракатланиш ва хатоларга йўл қўйиши ва толиқишини содир қилади. Юқоридагиларни ҳисобга олиб инсон психик ҳолатининг назоратига катта эътибор берилади.

Инсоннинг психик ҳолатига таъсир этадиган омиллар – умидсизланиш, кайфиятнинг бузилиши, кўполлик аломатлари, йиқилиб тушиш, толиқиш кабилар бўлмаслиги учун маълум ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилади.

Демак, касб хунар коллеж ва лицейларда фаолият юритган ҳар бир педагог ўзини иш жойида хавфсизлик техникаси, корхона санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги қоида, норма ва йўриқномаларига риоя қилиши, риоя қилмаган ҳолда эса жароҳатланишга, захарланишга ва касб касалликларига олиб келиши мумкинлигини унутмаслиги керак.

Хулоса

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёни сифат босқичга кирди. Янги ўқув дастурлари, ўқув режалари, янги авлод дарсликлари, таълим стандартларига мувофиқ ҳолда таълим муассасаларига тақдим этилди. Таълим олдида турган вазифаларни ҳал этиш бевосита ўқитувчи фаолиятига боғлиқдир.

Ўқитувчи талабаларни билим эгаллашда фаоллаштирадиган, барча учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, таълимнинг турли хил воситаларини ва вазиятларини излайди. Улардан фойдаланган ҳолда педагогик жараёнининг самарадорлигини оширади. Талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ижодий изланишга, эгаллаётган касбининг сирларини билиб олишга йўналтиради.

Мен “Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларни роли ва аҳамияти (КҲҚлари мисолида)” мавзусида битирувмалакавий ишим юзасидан тадқиқотлар олиб бориб, шу хулосага келдимки, замонав педагогик технологиялар ёрдамида ўқитиш самарасининг асосий шарти педагогнинг шахсий йўналиши билан боғлиқ.

Раҳбар ва мутахассислар, шунингдек, ўйин қоидаларини ишлаб чиқарувчи муаллимларнинг амалиётида қуйидаги ўқув натижаларининг рўйхати кенг тарқаган. Буларни ўқув мақсади сифатида белгилаш мумкин: танишиш (диссоверий); фаннинг маълум соҳасига тегишли асосий тушунчалар ва вазифалар билан танишиш асосий мазмунни ўзлаштириш (литерасий); асосий тушунчалар ва вазифаларни таърифлаб беришга лаёқатлилик; уддаламоқ (фитерасий); асосий тушунчалар ва вазифаларни фаниниг маълум соҳасига самарали татбиқ этиш; тўлиқ эгаллаш-моҳирлик (мастерий): фаннинг маълум соҳасига тегишли асосий тушунчалар ва вазифаларини самарали қўллаш ҳамда ўзгаларга бу масалада ёрдам бериш. Юқорида санаб ўтилган ўқув мақсадлари турли-туман интерфаол технологияларда кенг қўлланилади.

Шунинг учун мен ўзимнинг БМишимда, замонавий педагогик технологияларнинг усуллари асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга деб фикр юритдим. Таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳар бир педагогнинг шахсий имкониятлари, касбий маҳорати ҳамда ижодкорлик лаёқати даражасига боғлиқ деб уйлайман.

БМ ишимнинг мақсадидан келиб чиқиб иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий педагогик технологияларини ўрни ва ҳолати ўрганиб чиқилди, ундаги ютуқ ва камчиликлари аниқланди. интерфаол усуллариининг илмий-назарий ва ташкилий-услубий жиҳатлари ўрганилиб уни қўллашнинг амалий таклифлари ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишимнинг мавзуси «Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларни роли ва аҳамияти (КХКлари мисолида) деб номланиб кириш, 3 та боб 7 та параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган.

Битирув малакавий ишни кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, амалий аҳамияти, таркибий тузилиши баён этилган.

Битирув малакавий ишимнинг биринчи бобида “Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларнинг назарий масалалари” деб номланади. Бу бобда касб-хунар коллежларида иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти ва иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни баён этдим.

Битирув малакавий ишимнинг иккинчи бобида “КХКлари таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш амалиёти ва унинг таҳлили” деб номланади. Бу бобда Самарқанд иқтисодиёт коллежининг дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш тартиби ва муаммолари ва таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларини жорий этиш имкониятлари ва унинг тавсифи асослаб бердим .

Тадқиқотнинг учинчи бобида “Иқтисодий билимларни шакллантиришда замонавий педагогик технологияларни самарали усуллари ва имкониятлари” деб номланади. Бу бобда КХКларини таълим жараёнига “Кластер” технологияларини тадбиқ этиш услубияти ва амалиёти ва Самарқанд иқтисодиёт коллежида иқтисодий фанларни ўқитишда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили ва натижалари ҳамда, касб-ҳунар коллежида техника ва ёнғин хавфсизлиги каби масалалар ўрганилган. Тадқиқот ишимда илғор педагогик технологияларининг усуллари, назариясининг моҳияти, унинг шаклланиши ҳамда афзалликлари, таълим жараёнининг истиқболини таъминлашдаги муҳим ўрни ва роли, шунингдек, илғор педагогик технологияларни (иқтисодий ўқув) жараёнига тадбиқ этиш шартлари хусусида тушунча беришга ҳаракат қилдим.

Ўрганишлар асосида, таълим тизимида илғор педагогик технологияларининг усуллари кўллаш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараёнда мутахассислик йўналишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида илғор педагогик технологияларининг усуллари ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш муаммолари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқландим:

- замонавий педагогик технологиялари назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера олувчи манбаларнинг етарли эмаслиги;

- мавжуд манбаларда хусусий фанлар, шунингдек, муайян таълим муассасаларининг фаолият йўналишларига ҳамда хусусиятларига мувофиқ уларнинг фаолиятига интерфаол усуллари тадбиқ этиш механизмнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

- замонавий педагогик технологияларни таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўлида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг яхлит ҳолда таҳлил этилмаганлиги ҳамда бу борада қўлга киритилган тажрибаларнинг оммалаштирилиши борасида сусткашликнинг мавжудлиги;

- таълим муассасалари, шу жумладан, академик лицей ва касб-хунар коллеж муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг илғор педагогик технологияларининг асосларини пухта ўзлаштирмаганликлари ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга эмасликлари;

- педагог ходимларни тайёрлаш жараёнини технологиялаштириш борасида кенг кўламли амалий ҳаракатнинг ташкил этилмаганлиги.

Қайд этиб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилиши етук мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, бўлғуси педагогларда умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратишни таклиф этиш мумкин:

1. Замонавий педагогик технологияларини ташкил қилганда шовқин юзага келмаслиги учун кичик гуруҳдаги ҳар бир талабага қоғозга ёзилган рақамларни тарқатиб рақам бўйича жавоб беришни талаб қилиш.
2. Замонавий педагогик технологияларининг усулларида фойдаланиш даражаси юқори бўлиши керак, яъни ҳар бир ўқитувчи илғор педагогик технология усулларини ва уларни татбиқ этишни мукамал билиши керак.
3. Лицей ва коллежларда ноанъанавий таълим бўйича махсус курсларни ташкил этиш ва уларга барча ўқитувчиларни жалб этиш
4. Лицей ва коллежларда техник воситалардан фойдаланиш даражаси юқори бўлиши яъни барча ўқитувчилар компьютер саводхонлигига эга бўлиши.
5. Иқтисодий фанларнинг ҳар бир мавзусига мос келадиган замонавий педагогик технология усулларни қўллаш методикасини ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I . Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

- 1.Ўзбекистон Республикаси Канустутцияси. Тошкент. 2011йил .
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т.,1997. 216.
3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 1997 йил 29 август.

II.Ўзбекистон Республикаси президенти Фармон ва Қарорлари.

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг2017 йлдаги Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-2909 сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари.

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундаллик қондаси бўлиши керак» Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси 2017 йил14 январь, №11- сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган маърузаси. 2016 йил 7 декабрь.“Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” Тошкент, «Ўзбекистон» НМИУ, 2017 йил
- 3.«Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Томонидан Қабул Қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар Стратегияси»Тошкент ш.,2017 йил 7 февраль,ПФ-4947-сон.
- 4.Мамлакатимизни 2017 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2018 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим

устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22-декабрь.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз» Тошкент-«Ўзбекистон»-2016 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. «Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз» Тошкент-«Ўзбекистон»-2017 йил

V. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Иқтисодий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги 2000 йил 19 июн 176 сонли буйруғи.

VI. Дарсликлар

1. Ш.Ш.Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент 2004.

2. У.Нишоналиев. «Педагогика курси» дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2010.

3. Е.Н. Пронина, В.В.Лукашевич. “Психология и педагогика”. Учебник для студентов ВУЗов. –М.: «Элит», 2010.

4. Педагогика профессионального образования. /Под. ред. В.А.Сластенина. – М.: «Академия», 2004.

5. Педагогика. /В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. –М.: Школьная пресса, 2010.

6. А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2014 й. 424 б.

7. Асқарова.Ў. Педагогика. - Тошкент : “Фан” 2008 йил 58 б.

8. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т.: “Фан” 2006. –143 б.
9. Букантов В.М. Педагогические тайнства дидактических игр. Учебно-методическое пособие. –М.: Московский психолого-социальный институт. Флинта. 2003. –152 с.
10. Т.Н. Балло. Нестандартное обучение.- М.: Педагогика, 2005й. 94-б.
- Видяпина В.И., Добринина А.И., Журавлева Г.П. Экономическая теория: Учебник – М.: ИНФРА-М, 2005, 121-с.
11. Вульфсон Б.Л. Сравнительная педагогика: история и современные проблемы. –М.: Изд-во УРАО, 2003. –232 с.
12. Жўраев Р.Х., Толипов Ў.Қ. Педагогик фаолият, технологиялар ва маҳорат. // Узлуксиз таълим ж. 2003. № 2. 3-10 б.
13. Зиёмухаммедов. Б. “Педагогик технология” Тошкент :”Турон-Иқбол” 2006 йил 88 бет.
14. Искандаров. Э.А, Д.Ж. Норбоева “Педагогика. Психология” Самарқанд. 2008й. 110б.
15. Искандаров. Э.А, Б. Годфри, П. Назаров “Узлуксиз таълим бўйича хориж тажрибаси” Самарқанд. 2004 йил. 69 б.
16. Йўлдошев Ж. “Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш”-Т., 2008, 130б.
17. Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005, 191-б.;
18. Йўлдошев Ж. “Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш”-Т., 2008, 130б.
19. Кукушин В.С. Современные педагогические технологии: Начальная школа. Пособие для учителя. – Ростов на Дону: Реникс. 2003. – 448 с.
20. Норов. Ш. Таълим сифатини бошқаришда замонавий ахборот технологияларининг ўрни. “Касб-хунар таълими” журнали №1 2007 йил 10 бет.
21. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши. Насаф. 2000. -118 б.

22. Сирожиддинов Х. “Баркамол авлод тарбиясини ташкил этиш: дунё тажрибаси ва муаммолар” ТДПУ. 2010й 157бет
23. Сайидахмедов Н. С. “Янги педагогик технологиялар” Т.: “Молия”, 2001. 63б.
24. Сайидахмедов Н.С. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари. Т.: Янги аср авлоди. 2003. – 40 б.
25. Скок Г.Б., Лыгина Н.И. Как проектировать учебный процесс по курсу: Учебное пособие. Изд. 2-е перераб. и дополн. – М.: Педагогическое общество России. 2003. -96 с.
26. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Т.: «Ўқитувчи», 2002, 246-б.
27. Толипов. Ў.Қ. Тажриба-синов ишларини ўтказишда янги педагогик технологиялар. Т.: “Халқ таълими” журнали 2000йил. 63-67б.
28. Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.: “Фан” 2006 йил 76 бет.
29. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан. 2000. -125 б.
30. Ходжабоев А.Р., Баратов Д.А. Узлуксиз таълим тизимида фанлараро алоқадорликни таъминлаш механизмлари. // ДТС ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш ҳамда касбий таълимда узвийликни таъминлаш муаммолари. Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари. -Т.: ЎМКХТРИ. 2000. 84-87 б.
31. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие в помощь первокурснику. -Т.: ТГЭУ, 2006. 48 бет
32. Халикова.Л.Н., Садинов.Қ.П. “Иқтисодий педагогика” Маърузалар матни. Самарқанд. 89бет.
33. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. Т.: ТДИУ, 2002. -127 б.
34. Шодмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. - Т.: Янги аср авлоди. 2004. 89б.
35. Шодмонов Ш.Ш., Фафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Т.: «Фан ва технология» нашр, 2008. – 314 б.
36. Ҳасанбоев.Ж. “Педагогика” ўқув қўлланма. Тошкент “Фан” 2006йил 96бет

37. Курбонов.Ж.М.”Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” услубий кўрсатма. Самарқанд. 2010 йил.

38. Шакурова М.В. Методика и технология работы социального педагога. Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. –М.: Изд. центр. Академия. 2002. - 272 с.

39. Шодмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. - Т.: Янги аср авлоди. 2004. 89б.

40..М.М.Мухаммедов, Ю.П.Урунбаева “Кичик тадбиркорлик ва аҳоли бандлиги”., “Зарафшон” нашриёти Д.К.Самарқанд.,2014 йил. 199с

41. М.М.Мухаммедов, С.А.Ишакова ва Б.Б.Мардонов “Қишлоқларда аҳоли бандлиги: муаммолар ва ечимлар”,“Зарафшон” нашриёти Д.К.Самарқанд, 2014 йил.

42.М.М.Мухаммедов, Л.Н.Халикова, Н.А.Камилова, А.Қ.Тўхтамишев, Ш.У.Ташматов, Ф.Ф.Саломов, Й.М.Халиков ва Б.Б.Мардонов “Иқтисодиёт назарияси” КҲКлари учун ўқув қўлланма, СамИСИ, 2017 йил

VII Интернет сайтлари

1. www.gov.uz.
2. www.пресс-сервисе.уз.
3. www.билим.уз.
4. www.пхилосопхй.ру.
5. www.философия.ру.